O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 13-mart, shanba № 20 (8253) ISSN 2010-6416

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Буюк келажакнинг бир омили борки – бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир.

Ислом КАРИМОВ

БОЛАЛАР СПОРТИ:

АСОСИЙ МАҚСАД – СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорти объектларининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги, 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Қуйида ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.

1. Ҳомийлик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ориповнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аввал барпо этилган болалар спорти объектларининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглаб ва танқидий муҳокама қилиб, тайёрланган материалларни қайта ишлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Комиссия (А.Орипов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда жойларга чиқиб, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини яна бир бор танқидий таҳлил қилсин. Бунда болалар спорти объектларининг фаолият кўрсатиш самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги мезонларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратсин:

спорт билан оммавий шуғулланиш — болалар ва ўсмирларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиш қамрови даражасини ошириш. Бунда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар) ўқувчиларининг умумий сони асос қилиб олинсин;

ўрнатилган нормативлардан келиб чиқиб, болалар спорти объектларининг спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозланиш даражаси;

болалар спорти объектларининг тасдиқланган нормативларга мувофиқ, юқори малакали, профессионал даражада тайёрланган мураббийлар ва таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқитувчилари, жумладан, хотин-қиз мураббийлар билан тўлдирилгани;

спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — бир кун ва ҳафта давомида турли спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш соатлари, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;

спорт билан шуғулланиш самарадорлиги — республика ва халқаро мусобақаларда 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлардан совриндорлар сони.

Комиссия ўтказилган таҳлил натижалари бўйича, уларни танқидий баҳолаш билан бирга, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, мазкур иншоотларни тасдиқланган нормативларга мувофиқ замонавий спорт ускуналари ва инвентарлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббий кадрлар билан таъминлашга доир аниқ таклифлар киритсин.

(Давоми 2-бетда.)



БАРКАМОЛЛИК – ПОЙДЕВОР, БАРКАМОЛЛИК – ТАРАҚҚИЁТГА ҚАНОТ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама комил воягa етиши йўлида яратиб берилаётган зарур шарт-шароитлар, замонавий стандартларга мос қулайликларни ҳар қанча эътироф этсак арзийди. Бу борада ўғил-қизларимиз орасида спортга бўлган қизиқишнинг тобора ошиб бораётгани, нафақат шаҳарларимизда, балки қишлоқу овулларимизда ҳам жисмоний маданиятнинг оммавий ҳаракатга айланиб улгурганини Ватан меҳрини қалб кўрига муҳрлаб яшаётган ҳар бир ҳамюртимиз фахр билан тилга олади.

МУСТАҲКАМ ЗАМИН — ЁРҚИН КЕЛАЖАК

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз спортнинг жамиятда тутган ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди:

"Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади".

Президентимизнинг 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони спортни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга оммавий жалб этиш бўйича муҳим вазифаларини белгилаб бериш орқали "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг узвий қисмига айланди.

(Давоми 3-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

МАЪНАВИЯТ: уни аниқ ва табиий фанлар орқали қандай сингдириш мумкин? — 7-бет

"QOZON TO'LDI" — NAVRO'Z KELDI — 9-бет

ЎҚУВЧИНГИЗ (ФАРЗАНДИНГИЗ) БАДИИЙ КИТОБ ЎҚИЙДИМИ? — 10-бет

КУМУШ ҚИШ ИЛҲОМЛАРИ — 11-бет

КВАНТ КОМПЬЮТЕРЛАР: хаёлий ғоядан реалликка қараб — 12-бет

БОЛАЛАР СПОРТИ:
АСОСИЙ МАҚСАД – СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ой муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қурилган, алоҳида жойлашган 178 намунавий болалар спорти объектларининг баланс эгаларини қайта кўриб чиқиш бўйича таклиф киритсин ва бундан кейин уларни талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланишни назарда тутсин;

алоҳида жойлашган ҳар бир болалар спорти объектини талаб даражасида сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтирсин.

Алоҳида жойлашган спорт иншоотларидан самарали фойдаланмаслик республика ва вилоятлар спорт федерациялари фаолияти қониқарсиз эканини белгиловчи кўрсаткич ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа манфаатдор идора ҳамда тузилмалар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хотин-қиз мураббийларнинг базавий ойлик маошига 15 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Б.Ходиев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов) 2010—2011 ўқув йилида олий ўқув юртларига қабул қилиш режасини шакллантиришда хотин-қизлардан юқори малакали мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашни кенгайтиришни назарда тутсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда вилоятлар, шаҳар ва туманлар кесимида болаларнинг спорт билан шуғулланиши уларнинг жисмоний ҳолатига, касалланишининг камайишига таъсир этиш кўрсаткичлари бўйича мониторинг тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин, шу асосда спортнинг муайян турлари билан шуғулланишни кенгайтириш ва спорт машғулотларининг оғирлик даражаси бўйича асосланган тавсиялар тайёрласин.

6. Иқтисодиёт вазирлиги (С.Бекенов), Халқ таълими вазирлиги (А.Мараҳимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Икромов), «Ўзстандарт» агентлиги (А.Абдувалиев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

республикада болалар спорти объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис тўпларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун уларни ишлаб чиқаришни 2010 йилнинг 1 сентябригача йўлга қўйиш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарларини чакана савдо тармоқлари орқали аҳолига сотишни ташкил этиш;

ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари, жумладан, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бутловчи қисмлар сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатъий назоратни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин.

7. Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда болалар спортини ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамиятини, Ўзбекистон ёшларининг спортдаги ютуқларини, болаларнинг мусиқа ва санъат билан шуғулланишини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаевнинг 2010 йилда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш Дастури тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А. Очиловнинг 2010 йилга мўлжалланган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган болалар спорти объектлари қурилишини молиялаш жорий йилнинг 20 мартига қадар бошланиши тўғрисидаги ахбороти қабул қилинсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси уч кун муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган маблағларни умумтаълим мактабларида барпо этиладиган спорт заллари қурилишига ҳамда алоҳида жойлашган янги болалар спорти объектлари сонини оптималлаштиришга устувор тарзда йўналтириш мақсадида 2010 йилга мўлжалланган болалар спорти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича аниқ манзилли дастурларга киритилган болалар спорти объектлари рўйхатини вилоятлар кесимида яна бир бор танқидий кўриб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азимов):

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатларининг ғазначилик ижроси механизмини 2010 йилнинг II чорагидан жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин;

2010 йилнинг ҳар бир чораги якуни бўйича Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳудудий филиалларининг болалар спорти иншоотлари объектлари қурилишига ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиши ва харажатлар сметасига риоя қилишини текширишни амалга оширсин ва уларнинг натижалари бўйича жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига ахборот тақдим этсин.

12. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов), Миллий телерадиокомпания (А.Хаджаев), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2010 йилга мўлжалланган дастурида чуқур маъно-мазмун мужассамлигига, яъни болалар спорти объектларини қуриш билан бирга болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилиши ва уларни реконструкция қилишга ажратиладиган маблағларни сезиларли даражада кўпайтириш кўзда тутилганига, чунки баркамол авлодни тарбиялашда ушбу йўналишлар бир-бири билан узвий ва чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б.Хўжаев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (А.Жабборов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастурга киритилган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий лойиҳалар асосида сифатли қурилиши ва ўз вақтида ишга туширилиши, уларнинг зарур анжомлар, инвентарлар ва мебеллар билан жиҳозланиши, профессионал кадрлар билан таъминланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ҳафта муддатда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари параметрлари ҳамда болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2010 йилга мўлжалланган аниқ манзилли дастур тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун ўрнатилган тартибда киритсин;

ҳар чоракда ўз йиғилишларида болалар спорти объектлари, сузиш ҳавзалари, мусиқа ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича тасдиқланган аниқ манзилли дастурлар ижросини кўриб чиқсин, уларнинг ўз вақтида ишга туширилиши, зарур жиҳоз ва инвентарлар билан таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

ЭЗГУЛИКЛАРГА ЧОРЛОВ

нафосатга, Ватанга муҳаббат нишонасидир

Umumxalq hashari — el birdamligi

Қадимий ва миллий қадриятларимиздан бўлган Наврўз айёми арафасида маҳаллалар ҳудудларини, аҳоли турар жойлари ва ўқув муассасалари теваракларини ободонлаштириш, халқимизга хос бўлган эзгу фазилатларни янада юксалтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 мартдаги 118-Ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг жорий йил 13—14 март кунлари тизимдаги барча таълим муассасаларида умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи бу каби ўзгаришларга қанот бўлиши тайин. Бундан ташқари, февраль-март ойлари таълим муассасаларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб белгиланганлиги бу борада салмоқли ишларни амалга оширишга замин яратади. Жумладан, таълим масканларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ва умумхалқ хайрия ҳашари доирасида гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, дарахтларни оқлаш ва буташ, кўчалар ҳамда йўлакларни текислаш, қурилиш ва маиший чиқиндиларни ташкилий равишда тўплаш ва чиқариб ташлаш, ариқлар ва лотокларни тозалаш, болалар майдончаларини тартибга келтириш, кекса ва ногиронлар, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш ва бошқа тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Демакки, қиш сокинлигидан уйғонаётган табиатга уйғоқ нигоҳлар ила назар ташлаш, назокатга чулғанган нафисликка янада нафосат бағишлаш фурсатида гўзалликка, ободликка йўғрилган бундай тадбирлар она халқимизнинг бирдамлиги, меҳнатсеварлиги, аҳиллиги, бадиятга ошуфталиги, қолаверса, юрт тинчлиги ва Ватанга бўлган муҳаббати нишонасидир.

Қийғос очилган бодом гулига учиб қўнаётган капалак баҳорий гўзалликдан севинчларини яширмайди. Майин насимий шаббодада эркаланиб тебранаётган майсаларда ҳам илоҳий бир сир бордек. Ҳаммадан баландда туриб, ажиб тароватга шоҳид бўлаётган қуёш жилмаяди, тенгсиз чирой қаршисида қамашади унинг кўзлари гўё.

Дарҳақиқат, оламга баҳорнинг ташрифи теварак-атрофда улуғ ўзгаришлар ясамоқда. Бу ўзгаришларга юртимизнинг ҳар гўшасида бошлаб юборилган кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишлари янада кўрк бўлиб қўшилмоқда. Мамлакатимизда ҳар баҳор анъанага айланиб улгурган умумхалқ ҳашари халқимиз бир тану бир жон бўлиб, ҳамжиҳатликда ўтказадиган шундайин эзгу ишларнинг бир кўринишидир. Олиб борилаётган ободонлаштириш, кўркамлаштириш тадбирларига ўқувчиёшларнинг кенг жалб қилинаётгани эса кишини қувонтиради.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

2010-yil — Barkamol avlod yili

БАРКАМОЛЛИК — ПОЙДЕВОР, БАРКАМОЛЛИК — ТАРАҚҚИЁТГА ҚАНОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу ўринда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга мурожаат этамиз.

Биргина 2009 йилда қуриб битказилган спорт иншоотларининг 174тасини мактаб спорт заллари ташкил этади. 2003—2009 йиллар мобайнида 674та мактабда спорт зали ва 178та алоҳида болалар спорти иншооти қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу давр мобайнида мамлакатимизда 1123та спорт мажмуаси (шулардан 922таси қишлоқ жойларида) бунёд этилди. Бунинг натижасида, спорт ва жисмоний тарбия машғулотлари билан мунтазам шуғулланувчилар сони қарийб 1 млн. 800 минг нафардан (2004 йил) 2,5 млн. нафарга (2009 йил) ўсди.

БЎШ ВАҚТГА ВАҚТ ЙЎҚ

Ҳозирги кунда республикамиздаги таълим муассасалари ўқувчиларининг аксарияти дарсдан ташқари вақтларда ҳам жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Ёш авлодни спортнинг гўзал оламига олиб кириш жараёни шу йўсинда изчиллик билан давом эттирилаётир.

Яна бир қувонарли томони шундаки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 426та болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг замонавий моддий-техник базаси мунтазам ривожланиб бормоқда. Уларда ёшлар спортнинг 43 тури бўйича билим олмоқдалар.

Янгилик сифатида умумтаълим мактабларидаги педагогик юкламаларнинг бугунги кунда йиллик 1548 соатни ташкил этгани, бунда жисмоний тарбия йўналиши бўйича ўқитувчиларнинг нафақат машғулотлар, балки дарсдан кейинги секция ишларини олиб бориши ҳам кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу билан дарсдан кейинги спорт тўгаракларининг мунтазам ишлаши учун имкон, спорт билан шуғулланувчи ўқувчилар сонининг ошишига шароитлар яратилди.

БУРЧДОРЛИК ҲИССИ

Решиде АБЛЯЕВА, "Дўстлик" ордени соҳиби, Гулистон шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси:

— Мактаб ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда спорт ва жисмоний тарбия ниҳоятда керакли воситалар ҳисобланади. Ёш авлоднинг ўзи суйган спорт тури билан қанчалик яқин ошно тутиниши учун ёрдам берсангиз, у Ватани, маҳалласи, мактаби, оиласи олдидаги бурчини шунчалик чуқур масъулият билан ҳис этади. Юртига муносиб фарзанд бўлишга интилади. Бу борада мамлакатимизда мустаҳкам анъана шаклланиб улгурганига бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ гувоҳ бўлиш мумкин.

Бу йўлда жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига ҳам давлат миқёсида алоҳида эътибор кўрсатилаётгани барчамизни қувонтиради. Айниқса, куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда белгиланган вазифалар доирасида хотин-қиз мураббийларнинг базавий ойлик маошига 15 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳақида эшитиб, жуда қувондим.

Бундай моддий рағбат бизга янада катта масъулият юклайди. Эътиборга муносиб бўлишга чорлайди. Шундай экан, ҳар бир жисмоний тарбия ўқитувчиси ва спорт мураббийси ўз устида янада кўпроқ ишлаши, машғулот жараёнларида янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда болаларнинг жисмоний маданият ва спортга қизиқишини янада оширишга интилиши лозим. Жисмоний тарбия фани ҳам педагогдан ижодий ёндашувни талаб этади. Бунинг учун изланиш, малака ошириш ва мавжуд имкониятлардан максимум фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

МУСОБАҚАЛАР — СОҒЛОМ ТУРМУШ ЭЛЧИЛАРИ

Маълумотларга кўра, 2004—2009 йиллар давомида жами 7604та спорт тадбири ташкиллаштирилган бўлиб, унда 4,5 млн. нафардан ортиқ ўқувчи-ёш (шулардан 2 млн. нафари қизлар) ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Шу билан бирга 2004—2009 йиллар мобайнида 30дан ортиқ хорижий давлатларда ташкиллаштирилган жами 156та турли халқаро мусобақа, спорт фестивали ва ўқув-йиғин машғулотида 1691 нафар ёш ҳамюртимиз (шулардан 951 нафари қизлар) иштирок этди. Шу давр давомида турли биринчиликларда мактаб ўқувчилари томонидан 893та олтин, 746та кумуш, 715та бронза медали қўлга киритилди.

Албатта, Кенгаш йиғилишида бу хусусда ҳам тўхталиб ўтилгани эътиборга молик. Зотан, спорт мусобақалари қанчалик оммавий ва юқори савияда ташкил этилса, натижа ҳам салмоқли бўлиши табиий. Демак, энди бу жиҳатга ҳам янада устувор аҳамият қаратилади.

ТАРАДДУД БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Эльвира ЮРЬЕВА, Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби тарбияланувчиси:

— Беш йилдан буён спорт гимнастикаси билан шуғулланиб келаман. Шу давр мобайнида турли мусобақаларда қатнашдим. Яқинда Францияда бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этиб, маҳоратимни ошириб қайтдим. Дугонам Сабина Ўринбоева билан бирга келажакда жаҳон чемпиони бўлишни ният қилганмиз. Ҳозир навбатдаги халқаро спорт мусобақалари қатори 2012 йили Навоий вилоятида ташкил этиладиган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг республика босқичида муносиб иштирок этиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдаман.

Дарҳақиқат, ўлкамизда аллақачон анъана тусига кириб улгурган уч босқичли спорт ўйинлари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" улкан муваффақиятлар остонасида турган иқтидорли ёшларимиз учун ўзига хос тобланиш мактаби вазифасини ҳам бажармоқда.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Каримберди ЖУМУҚОВ, тажрибали педагог ва мураббий, шахмат бўйича маҳаллий ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақалари ғолиб ва совриндори, ёш ва иқтидорли спортчи, "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти соҳиби Сарвиноз Курбонбоеванинг отаси:

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг спорт, айниқса, болалар спорти жадаллик билан ривожлана бошлади. Фарзандларимизга ўзлари хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши учун имконият эшиклари очиб берилди. Юрагига чемпион бўламан, деган ниятни жо қилган ҳар бир ўғил-қиз яратиб берилган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланса, албатта, ниятига етаяпти. Бунга ўзим ҳам қизим Сарвиноз тимсолида гувоҳ бўлиб турибман.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ВА СИФАТЛИ ЖИҲОЗЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Кўнгилдагидек натижага эришиш учун эса машғулот савияси юқори бўлиши зарур. Бунинг учун малакали мураббийлар ва сифатли жиҳозларнинг ҳам ўрни ниҳоятда салмоқли.

Ўтган йили 9765та мактабдаги мавжуд 6332та спорт залидан самарали фойдаланиш учун уларнинг спорт инвентарлари билан таъминлаш 65 фоизга етказилган бўлса, янги қурилган спорт заллари 100 фоиз жиҳозланди.

2004 йилда маҳаллий корхоналаримиз 120 турдаги болалар спорти анжомларидан 73 турини ишлаб чиқарган бўлса, айни пайтда мазкур кўрсаткич 113 хилга етди.

ФАХР ҲИССИ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Хайрулла ЗИЯБОЕВ, "Ташаббус" кўрик-танловида 2005 йили "Энг яхши тадбиркор" деб топилган, 42 турдаги спорт инвентарлари ишлаб чиқараётган "Машхим" МЧЖ раҳбари:

— Маҳсулотларимизни замонавий ютуқлар билан бойитиб боришга ҳаракат қиламиз. Таълим муассасаларига 24 турдаги спорт анжомларини етказиб беришдан ташқари, 18 турдаги тренажёр ускуналарини ҳам ишлаб чиқарамиз. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бериш учун ҳам тараққиёт билан ҳамқадам ҳаракатланиш лозим. Шунинг учун мақсадимиз маҳсулотларимиз ассортиментини янада кўпайтириш ва сифатини янада яхшилашга қаратилган.

Бу борада яна бир ташкилот "Стеклопластик" ОАЖ менежери Анвар РАСУЛОВ шундай дейди:

— Юртимизда тадбиркорлар учун имкониятлар эшиги кенг очиб берилган. Жумладан, бизнинг ташкилот ҳам ана шундай шароитлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунда 40дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. Улар асосан мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари ва тиббиёт муассасалари учун мўлжалланган. Маҳсулотларимиз орасида гимнастика халқалари, арқонлари, нарвонлари, скамейкалари, электрон табло, улоқтириш дисклари каби 50 номдан ортиқ спорт инвентарлари бор. Уч босқичли спорт ўйинларида маҳсулотларимиздан ҳам фойдаланилаётгани бизни янги марралар сари илҳомлантиради.

Шундай экан, ҳар бир тадбиркор, ҳар бир бизнес ташкилоти ҳеч қачон янада такомиллашиш имкониятини қўлдан бой бермайди. Мамлакатимизда эса бундай имкониятлар етарли. Шунга асосан бизнинг ташкилот ҳам маҳсулотлар турларини янада кўпайтириш, уларнинг тарқалиш географиясини кенгайтириш борасидаги режаларини изчиллик билан амалга ошириб келаяпти.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

Соғлом келажак қуриш йўлидаги устувор йўналишлар оналар саломатлигига эътиборни кучайтириш, қизларни спортга кўпроқ жалб этиш, тиббиётни ривожлантириш билан боғлиқ.

Бу борада ўтган йиллар мобайнида "Соғлом она — соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этилиб, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкам ҳимоялашга эришилди.

ОНА МАСЪУЛИЯТИ

Қундуз ЭРГАШЕВА, бахтиёр оиланинг бахтли бекаси:

— Уч фарзанднинг онасиман. Барчаси спортга қизиқади. Айниқса, ўғлим футболни жуда яхши кўради. У ўзи севган спорт тури билан бемалол шуғулланиши учун шароитлар етарли. Баҳор бошланиши билан у билан бирга спорт дўконига бориб, ўзи ёқтирган спорт кийимини олиб бердим.

Оталар қатори оналар ҳам оила саломатлиги, унинг аъзолари ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун бирдек масъулдир. Бунинг учун эса оналар ҳам фарзандлари камолотига интилишлари лозим.

СПОРТ ВА САНЪАТ — "АКА-УКА"

Хулосадан олдин яна бир йўналишга тўхталиб ўтиш лозим. Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида 2010 йилда 11та янги спорт иншооти ва 40та мактабда спорт зали қурилишидан ташқари мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мақсадлари учун 36 миллиард сўм ажратилиши маълум қилинди. Бу эса болалар спорти ва санъатни уйғун тарзда янада ривожлантириш имконини беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Спорт билан мусиқа чамбарчас боғлиқдир. Спорт танани пишитади, чиниқтиради, ирода мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Спорт — бу маданият демакдир. Спортчи мусиқани яхши билса, мусиқачи спорт билан шуғулланса, нақадар яхши".

Бундай муштаракликка яқинда пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича якунланган Осиё чемпионатида ҳам гувоҳ бўлдик. Спортнинг нозик элементлари мусиқа билан йўғрилиб кетган турида гимнастикачи қизларимиз Ўзбекистон ёшлари бошқалардан асло кам эмасликларини яна бир бор исботладилар. Ўзбекистон, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Таиланд, Сурия, Қозоғистон, Қирғизистондан жами юз эллик нафарга яқин гимнастикачи орасида ҳамюртларимиз — Азиза Мамажонова, Сарвиноз Холиқова ва Ҳусниябону Ғуломова шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Мусобақа давомида вакилларимиз дилтортар мусиқа оғушидаги нафис рақслари, бетакрор парвозлари воситасида спорт ва санъат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини намойиш этиб бердилар.

Ҳусниябону ҒУЛОМОВА, "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндори, бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпиони, Бухоро шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси:

— Болалигимдан спорт ва мусиқа энг яқин дўстларим десам муболаға бўлмайди. Биринчи марта спорт мусобақасидаги иштироким ҳамон эсимда. Ўшанда манежга чиққанимда дастлаб қаттиқ ҳаяжон босганди, аммо сеҳрли куйдан куч олиб, элементларни жиддий хатоларсиз ниҳоясига етказгандим.

ХУЛОСА

Баркамоллик — пойдевор, баркамоллик — тараққиётга қанот. Шундай экан, фарзандларимиз камоли йўлида амалга оширилаётган мана шундай беқиёс имкониятлардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш ҳар биримизнинг улкан эътиборга муносиб жавобимиз бўлишини теран англашимиз лозим.

Саиджон МАХСУМОВ, "Ma'rifat" мухбири

4-МАКТАБ — УЛУҒНОР ТУМАНИДАГИ ЭНГ ИЛҒОР БИЛИМ ДАРГОҲЛАРИДАН БИРИ.

Вилоят марказидан қарийб 100 километр узоқликда жойлашган ушбу мактаб муаллимлари астойдил меҳнат қилинса, чекка ҳудудларда ҳам юқори натижаларга эришиш мумкинлигини исботламоқдалар. Мактаб ўқувчилари фан олимпиадалари, турли маънавий-маърифий беллашувларда фаол иштирок этишади.

2008 йили мактаб ўқувчилари «Қувноқ стартлар» мусобақасининг вилоят босқичида ғолибликни эгаллаб, республика босқичида муваффақиятли иштирок этдилар. Нодира Қодирова, Зубайда Ботирова, Мавлуда Низомова, Баҳодир Турдиев ва Умиджон Ҳусанов каби муаллимларнинг фидокорона меҳнатлари, изланишлари туфайли мактаб жамоаси эришаётган ютуқлар салмоқлидир. 2006 йили мактаб умуммиллий дастур асосида капитал таъмирланди. Энди ўқитувчи ва ўқувчилар учун имкониятлар янада кенгайди. Ўқувчиларнинг билим самарадорлиги ортди. Таъмирланган, барча қулайликларга эга бўлган спорт зали 32 турдаги спорт анжомлари билан жиҳозланди. 672 нафар ўқувчига турли фан тўгаракларида мунтазам шуғулланиш имкони туғилди. Муаллим Умиджон Ҳусанов раҳбарлигида 2 та спорт тўгараги ишлаяпти. Спортчилар туман ва вилоят спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

— Ҳукуматимизнинг ёшлар камолига қаратаётган улкан эътибори ва жамоа меҳнати, изланишлари туфайли фарзандларимиз билимли, баркамол бўлиб воя-га етмоқдалар, — дейди Мингбулоқ қишлоғида яшовчи оқсоқол Аҳмаджон Маматов. — Менинг 25 нафар неварам шу мактабда таҳсил олди. Бу даргоҳ шаҳар ўқув масканларидан сира қолишмайди.

Бир пайтлар Марказий Фарғона чўлининг қоқ ўртасида жойлашган Мингбулоқда бугун болалар қувончига шерик бўлиш мумкин. Уларни келажак сари етаклаётган "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси Гулчеҳра Бобожонова раҳбарлигидаги жамоанинг ютуқлари янада кўпайсин.

О.СИДДИҚОВ

Андижон вилояти

ЎҚИТУВЧИ ТИНМАЙ ИЗЛАНИШДА БЎЛИШИ ДАРКОР. ЎЗ СОҲАСИНИНГ ЕТУК МУТАХАССИСИ БЎЛИШ УЧУН ҲАМ ФАН ЯНГИЛИКЛАРИДАН МУНТАЗАМ РАВИШДА БОХАБАР БЎЛИБ БОРИШИ ЛОЗИМ. БУ БОРАДА ЎҚУВ-СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА.

Элликқалъа туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида «Кимё, биология ва физика фанларининг ўқитилиши самарадорлигини ошириш, лаборатория амалий машғулотларини ташкил қилиш» мавзусида туманлараро ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.

Мазкур семинар машғулотлари республика Халқ таълими вазирлигининг Таълим маркази томонидан Элликқалъа, Тўрткўл ва Беруний туманларида ташкил этилди. Унда туманлардаги барча мактаблардан кимё, биология ва физика фанлари ўқитувчилари иштирок этишди. Машғулотлар республика Таълим маркази мутахассислари томонидан олиб борилди.

Табиий фан ўқитувчилари фаолиятини кучайтириш, фан янгиликлари билан таништириш ва тажриба алмашишни йўлга қўйиш каби мақсадларда ташкил этилган ушбу ўқув-семинар ўқитувчиларга янги билим ва кўникмаларни берди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

КЎКЛАМНИ ЎЗГАЧА ИШТИЁҚ БИЛАН КУТАСИЗ. ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА ҲАМ ФАСЛЛАР КЕЛИНЧАГИ МУНОСИБ ҚАРШИ ОЛИНМОҚДА. БАҲОРНИНГ БИРИНЧИ ОЙИ ТАБИИЙ ФАНЛАРГА БАҒИШЛАНГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги умумтаълим мактабларида табиий фанлар ойлиги фасл руҳига мос қилиб ташкил этилмоқда.

Тумандаги 70-умумтаълим мактабида ҳам ойлик белгиланган режага мувофиқ ўтказилмоқда. Айниқса, биология фанидан бўлиб ўтаётган намунали дарслар ва синфдан ташқари ишлар эътиборга молик. Биология фани ўқитувчилари М.Хидирова ҳамда Б.Мейлиқулова ўз дарсларини турли кўргазмали қуроллар ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтказишаяпти.

— Мактабимизда табиий фанлар ойлиги доирасида синфдан ташқари ишларга катта эътибор қаратилган. Синфлараро тадбирларда ўқувчиларнинг биология фанига қизиқишини ошириш асосий мақсаддир. Мактаб ўқувчилари "Она-табиатни асрайлик", "Табиат ва мен", "Гуллар байрами", "Мусаффо табиат" сингари тадбирларда фаол иштирок этмоқда, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Абдураҳмон Зарқораев.

Мактаб методбирлашма аъзолари томонидан табиий фанларни нисбатан бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун қўшимча дарслар ташкил этилмоқда. Биология фанига қизиқиши юқори бўлган ўқувчилар учун эса махсус тўгарак иш олиб боради.

Таълим масканидаги "Ёш табиатшунос" деворий газетасида ўқувчиларнинг фанга доир билим ва малакалари, қизиқишлари ўз аксини топаяпти.

Санжар РУСТАМОВ

ПАРКЕНТДАГИ АГРОСАНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА "ОЧИҚ ДАРСЛАР КУНИ" ШОИР МУҲАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БИЛАН БОШЛАНДИ.

"Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп" деб номланган тадбирни Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир очиб берди. Тошкент давлат ирригация ва мелиорация институти проректори З.Қорабоева, Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари З.Мирзақодиров ва бошқа меҳмонлар иштирок этган тадбирда ўғил-қизлар шеърлар ўқишди, ашула ва рақс ижро этиб, турли хил саҳна кўринишларини намойиш қилдилар.

Шу куни турли гуруҳларда очиқ дарслар бўлиб ўтди. Дарсларни кўп йиллик иш тажрибасига эга ўз касбининг усталари билан бир қаторда ёш педагоглар ҳам ўтиб бердилар.

Очиқ дарслардан кейин турли ўқув даргоҳларидан ташриф буюрган малакали педагоглар ўзаро фикр алмашиб, коллеж ўқитувчиларининг касбий маҳорати, ютуқ ва камчиликлари ҳақида мулоҳаза юритдилар.

Гулчеҳра ШОМАЛИКОВА,
Паркент агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИСТЕЪДОД» ЖАМҒАРМАСИ ҚОШИДАГИ «МАСОФАЛИ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ»ДА «ЁШЛАРГА РАҲБАРЛИК МАҲОРАТИ» МАВЗУСИДА ЎҚУВ КУРСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси ҳамда Ёшлик талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув машғулотларида шаҳарчадаги «Камолот» ЁИҲ фаоллари, талабалар кенгаши раислари, иқтидорли талабалар олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, сиёсатшунослар ва фан арбобларидан сабоқ олдилар.

Ўқув машғулотларида ёшларнинг ўзини-ўзи бошқариш фаолиятларини янада жонлантириш, уларда ташаббускорлик ва изланувчанлик хислатларини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Анвар ҚОБИЛОВ

ЧЕҲРАСИДА БЕҒУБОР ТАБАССУМ ИЛА ШОИРА ФАРИДА АФРУЗНИНГ МАРОҚ БИЛАН ШЕЪР ЎҚИШИНИ КУЗАТАЁТГАН ҚИЗАЛОҚНИНГ ҲАМ БАЛКИ АЙНИ ШУ ДАМДА ХАЁЛИДА "КАТТА БЎЛГАНИМДА, МЕН ҲАМ АЛБАТТА ШОИРА БЎЛАМАН" ДЕГАН НИЯТ УЙҒОНГАН БЎЛСА, АЖАБ ЭМАС.

Яккасарой туманидаги 362-МТМда ташкил этилган "Очиқ эшиклар куни" ва "Аждодларни ёд этиб" мавзусида ўтказилган байрам тадбирига таклиф этилган шоиранинг шеър ва ғазаллари нафақат болажонлар, балки кечага ташриф буюрган ота-оналарга ҳам манзур бўлди.

Ушбу МТМ санаторий типида бўлиб, унда айни пайтда 150 нафар болажон соғломлаштирилиб, таълим-тарбия олмоқда. МТМ мудираси Саодат Алиева бошчилигидаги тарбиячи ва педагоглар жамоаси ҳар йили жажжиларни мактабга тайёрлаб кузатишади.

Тарбиячи ва болажонлар томонидан катта тайёргарлик билан бошланган "Очиқ эшиклар куни"да очиқ машғулотлар ўтказилиб, болалар чизган расмлар асосида кўргазма ташкил қилинди ҳамда уларнинг ота-оналарига намойиш этилди. Катта гуруҳ тарбияланувчилари иштирокида "Аждодларни ёд этиб" мавзусида ўтказилган байрам тадбири ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Болалар томонидан шеър ва ғазаллар ёддан айтилди. Айниқса, болакайлар ижросида Навоийнинг "Нон ҳиди" ҳикояти асосида тайёрланган саҳна кўриниши барчага манзур бўлди.

Ота-оналар МТМда яратилган шарт-шароит, ўтказилаётган машғулотлар, соғломлаштириш муолажаларини кўриб, мамнун бўлди.

Райҳона ХЎЖАЕВА

БАЛОҒАТ ОСТОНАСИДА ТУРГАН ЎСМИР «КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?», ДЕБ КЎП ЎЙЛАНАДИ. БУНДА УНГА СИНФ РАҲБАРИ, МАКТАБ ПСИХОЛОГИ ҲАМДА АЙНИ ДАМДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ЎТАЁТГАН «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ЯҚИН КЎМАКДОШ БЎЛАДИ.

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида ҳам «Касблар фестивали»га бағишлаб, «Ҳунар — ҳунардан зар унар» шиори остида «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди. Ҳар йили катта тайёргарлик ва масъулият билан ўтадиган ушбу тадбирга бу йил ҳам 3200 нафар ўқувчи ўқитувчи ҳамда ота-оналари билан ташриф буюрди. 45, 68, 75-гуруҳ томонидан тайёрланган «Эйфел минораси», «Миср эҳромлари», «Буюк Хитой девори», «Султон Аҳмад масжиди» кўргазмаларини кўрган ўқувчиларда сайёҳлик хизмати ва туризм бизнесига, итальян, корейс, араб, француз, турк, рус, ўзбек ошхоналарининг лаззатли таомлари ошпазлик касбига қизиқиш уйғотгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, мева ва сабзавотлардан тайёрланган турли хил безаклар, дид билан безатилган қовоқ, тарвузлар официантлик, чет эл таомлари ошпази касбининг маҳоратини яққол намоён этди.

— Бугунги тадбир ўқувчиларда нозик дид, нафосатни янада оширди, — дейди 155-мактаб руҳшуноси Сабоҳат Очилова ва 262-мактаб ўқитувчиси Зуҳра Қодирова. — Ўқувчилар тайёрлаган антиқа таомлар пойтахтдаги энг нуфузли ресторанлар дастурхонини безай олишидан, улар билан ҳамкорлик ўрнатилганидан, битирувчилар ишсиз қолмаслигидан хабардор бўлган ташриф буюрувчилар ўзларига «Насиб этса, шу коллежда ўқийман», деб қарор қилганидан ота-оналар мамнун бўлишди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

ТАБИАТДА УЧРАЙДИГАН ЭЛЕМЕНТЛАР ТАРКИБИ, УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЎҚУВЧИЛАР УЧУН КИМЁ ФАНИ МЎЪЖИЗА! ЭЛЕМЕНТЛАР РЎЙХАТИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА МУАЛЛИМА 7-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ТОПШИРИҚ БЕРАР ЭКАН, БАЪЗИЛАРИ 10-15ТА, АЙРИМЛАРИ 20-25ТАГАЧА КИМЁВИЙ МОДДА АТАМАСИНИ ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ЁЗИБ ЧИҚИШДИ.

Дарҳақиқат, Миробод туманидаги 154-умумий ўрта таълим мактабида кимё, физика, биология фанларига бағишланган ойлик мазмунли ва уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. Асосий диққат-эътибор ой бошида ўқувчилардан олинган кириш тестларида аниқланган бўшлиқ ва камчиликларни ой охирига қадар бартараф этишга қаратилмоқда. Демак, ойлик якунидаги чиқиш тестларида натижа юқори бўлиши керак.

Айниқса, мактабда кимё фанини Давлат таълим стандартлари даражасида ўқитишга шу фан ўқитувчиси Тожи Эргашева катта масъулият билан қарамоқда. Кимёни 7-синфдан бошлаб ўрганишга киришган ўқувчилар фаннинг бошланғич асосларини ой мобайнида кўпроқ эгаллашга интилишяпти. Фан кабинетида уларнинг билим даражасини оширишга хизмат қилувчи Менделеевнинг элементлар даврий жадвали, ушбу фан ҳақидаги ҳикматли сўзлар, энг муҳими, лаборатория ишларини ўтказишда сув ва ҳаводек зарур бўладиган 10та пробирка, 15та моддалар қутиси, 30та сув пуркагич, 30та стакан, штатив, қуруқ спирт ва турли кимёвий эритмалар бор. Оддий лаборатория ишларини бажараётган ўқувчилар ҳайратомуз ҳодиса билан юзлашгандек бўладилар. Мураккаб лаборатория ишларини эса муаллиманинг ўзи бажариб, назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

— Ойликда 7-8-9-синф ўқувчиларининг ўзаро беллашувини ташкил этиш режалаштирилган. Мураккаб мавзулар бўйича «Очиқ дарс» уюштирганимда, ўзимдаги ютуқ ва камчиликларимдан хабардор бўламан. Айни пайтда ўзим ҳам физика, биология фанларидан дарс берадиган ҳамкасбларимнинг дарсларини кузатяпман. Март ойининг табиий фанларга бағишланиши бежиз эмас. Уларда ўхшашлик ва уйғунлик бор, ойликда ана шу жиҳат ҳар томонлама намоён бўлади, — дея фикр билдиради муаллима.

Ҳ.КУЗМЕТОВА

O'qituvchi o'z kasbini qanday sevadi? O'quvchilarni-chi? O'quvchini sevmagan muallim o'quvchi nazaridan qolishi kundek ayon-ku!

"Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2010"

МУНОСИБ ИЗДОШЛАР

Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси! Бу номга мушарраф бўлиш учун ўз касбининг фидойи устозлари тинмай изланишади, бор маҳорат ва тажрибаларини намоён қилишади. Ўқитувчи ўз касбини қандай севади? Ўқувчиларни-чи? Ўқувчини севмаган муаллим ўқувчи назаридан қолиши кундек аён-ку! Уларнинг қалбига у қай тариқа кириб бора олади? Худди ана шундай саволларга тўлақонли тарзда жавоб бера оладиган танлов Хоразм вилоятида ҳам қизғин ташкил этилди.

Вилоятда ўтказилган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» ва «Йилнинг энг яхши методисти» кўрик-танловларининг вилоят босқичида 13та йўналиш бўйича 144 нафар педагог ҳамда 11 нафар методист иштирок этди.

— Мазкур кўрик-танловни ўтказиш юзасидан тузилган эксперт гуруҳлари томонидан иштирокчиларнинг тайёрлаб келган ҳужжатлари таҳлил қилинди, танлов жараёнида ўтказган дарслари, бажарган топшириқлари баҳоланиб, энг юқори натижаларга эришган ўқитувчилар якуний босқичда иштирок этиш учун тавсия қилинди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси таълим маркази бош методисти Дилбаржон Машарипова. — Танловда хивалик ўқитувчилар биринчиликка сазовор бўлди. Демоқчиманки, мазкур тумандан келган фан ўқитувчиларининг беш нафари танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма олди. Жараёнда Урганч шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг иштироки 2-ўринга муносиб деб баҳоланди ва яна беш нафар зиё аҳлига республика синовларида касб маҳоратини намойиш этиш ҳуқуқи берилди.

Кўрик-танловда бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида ўзининг касб маҳоратини ёрқин намойиш этган, берилган тест саволлари, ҳуснихат ёзиш санъати, касбни шарафлашга доир шартларни тўлақонли уддалаган Баҳром Қуронбоевнинг салоҳияти ва иқтидори алоҳида эътироф этилди. Баҳром Урганч шаҳридаги 5-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси. Танловнинг вилоят босқичида у Урганч шаҳридаги 1-мактабнинг 4-синф ўқувчиларига шу даражада қизиқарли дарс ўтдики, уни кузатганларнинг беихтиёр ҳаваси келди. Чунки Баҳром ўқитувчининг энг гўзал фазилатларини ва ўқувчи қалбига йўл топа олиш санъатини намоён қила олди.

Шунингдек, Хива туманидаги 55-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зайнаб Камолованинг ижодкорлиги ҳам алоҳида таҳсинга сазовор бўлди. Зулхумор Матёқубованинг физика фани бўйича ўз малака ва тажрибасини ёрқин ифодалаб, танлов шартларини бекаму кўст адо этганлиги юқори баҳоланди.

Кўрик-танловда Шарифбой Худойберганов биология фани бўйича янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтиб, юқори кўрсаткичга эришган бўлса, Муҳаммад Болтаев чизмачилик фани бўйича маҳоратини намойиш этди. Журъат Отамуродов мусиқанинг инсон руҳиятига қандай таъсир этишини кўрсатиб бера олди. Ленинза Отажонова эса рус тили фанини ўқитишдаги ўз тажрибаларини намойиш этди.

Мақсуда Қосимова — математика, Нафосат Қўшжонова — инглиз тили, Гуландом Отабоева — немис тили, Шаҳноза Низомова — тарих, Нурилла Раҳмонов — география, Юлдуз Шержонова — иқтисодий билим асослари фанлари бўйича ҳамда Музаффар Ражабов, Гулнора Ғойибова ва Мунаввар Отамуродова «Йилнинг энг яхши методисти» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари дея тан олинди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ИЗЛАНИШЛАР ИНЪОМИ – ҒОЛИБЛИК

Танловнинг биология, математика ва немис тили фанлари бўйича вилоят босқичи ниҳоясига етиб, энг зукко, билимдон, изланувчан муаллимлар аниқланди. Андижон туманидаги 45-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси Барно Мухторова танловнинг барча шартларидан муваффақиятли ўтиб, ғолибликни қўлга киритди.

— Танловлар муаллимни ҳар томонлама чархлайди, — дейди Барно Мухторова. — Беллашувга ҳозирлик кўриш жараёнида жуда кўп янгилик ва фанга доир маълумотлар билан танишишга эришдим. Ўйлайманки, бу келгуси фаолиятимда жуда асқотади.

Андижон шаҳридаги 35-ихтисослашган мактабда бўлиб ўтган математика фани ўқитувчилари беллашуви ҳам айтиш мумкинки, кўплаб иқтидорли, ўз фанини чин дилдан севувчи муаллимларни кашф этди.

— Таълим масканимиздаги ажойиб анъанани давом эттирганлигимдан хурсандман, — дейди танлов ғолиби, Қорасув шаҳридаги 19-ДИМИ математика фани ўқитувчиси Бахтихон Солиева. — 2007 йилда информатика фанидан Муҳайё Юнусова, 2008 йили она тили ва адабиёт фанидан Ирода Мамадалиева «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритганди. Ниятим, ҳамкасбларим эришган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш.

Дарҳақиқат, Қорасув шаҳридаги 19-ДИМИда «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида ғолиблар сафидан жой олган салоҳиятли, мушоҳадаси кенг муаллимлар кўпчиликни ташкил қилади. Бахтихон Солиева танловнинг республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Марҳамат туманидаги 5-умумтаълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси Дилсора Жумабоева ўз ҳамкасблари орасида ғолибликка муносиблигини кўрсатди. Немис тилини ўқувчиларга ноанъанавий усулларда ўргатаётган, ҳар бир дарсни ижодий жараён деб билган Дилсора Жумабоевага изланишлари, тинимсиз меҳнатлари замин яратиб, ғолибликка эришди.

Айни пайтда андижонлик ғолиб муаллимлар танловнинг республика босқичига тайёргарлик кўрмоқдалар.

О.СИДДИҚОВ

ҒАЛАБА КУЧЛИЛАРГА НАСИБ ЭТАДИ

Ҳар бир дарсга янгича ёндашув, унга масъулият билан тайёргарлик кўриш Жиззах шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Жамила Жўраеванинг иш шиорига айланган. Шунинг учун мавзуни ноанъанавий усулларда, турли компьютер ва бошқа воситалар ёрдамида ўтишга ҳаракат қилади. У сабоқ бераётган синф ўқувчилари бугун замонавий технологиялардан фойдаланиш йўлларини ҳам ўзлаштириб олмоқдалар.

Ж.Жўраеванинг дарсларни ташкил этишда янгиликлардан унумли фойдаланаётгани ўз самарасини бераяпти. Буни унинг шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказган очиқ дарсларининг кўпчиликка манзур бўлаётганидан ҳам кўриш мумкин. Ўз устида мунтазам изланувчи муаллима жорий йил "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг аввалига шаҳар, сўнгра эса вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиб бўлди. У дарсларда ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда ўзига хос тажриба ва малакага эга эканлигини амалда намоён этди. Мавзуларни содда ва таъсирчан усулда тушунтиришда кўргазмали қуроллар, турли дидактик ва компьютер ўйинларидан самарали фойдалангани ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Маълумки, ўқитувчининг ютуқларини белгилаб берувчи асосий омил дарс сифати ва самарадорлигида кўзга ташланади. Танлов жараёнида Жамила ана шу талабни тўла бажара олди ва натижада вилоят босқичининг мутлақ ғолиби сифатида тан олинди.

— Тўғриси, танловда ғолиб чиқиш осон бўлмади, — дейди Жамила Жўраева. — Чунки иштирокчиларнинг ҳар бири ўзига хос тажриба ва маҳоратга эга. Танловнинг республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиш учун бор куч ва билимимни аямайман.

Кўрик-танловнинг белгиланган Низом асосида ўтказилиши учун вилоятда барча ташкилий ишлар қатъий йўлга қўйилди. Танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Гулчеҳра Абдуллаеванинг таъкидлашича, беллашувда асосий эътибор унинг адолат мезонлари асосида ўтказилишига қаратилди. Иштирокчиларнинг ҳар бир чиқиши, ҳужжатлари "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови ғолиблари, малакали ўқитувчилардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан кузатиб борилди ва муносиб баҳоланди. Вилоят босқичида 15та фан бўйича саралаб олинган энг иқтидорли, маҳоратли ўқитувчилар танловнинг республика босқичида ҳам ўз иқтидорларини яна бир бор синовдан ўтказадилар.

А.СОДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

болага эътиборни кучайтирмоқда

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

Фарғона шаҳрида бугунги кунда 58та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларга 6 минг нафардан зиёд тарбияланувчи қамраб олинган.

52-мактабгача таълим муассасаси Қиргули шаҳарчасида жойлашган бўлиб, даргоҳга Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳомийлик қилади. Бугун бу таълим масканида 260 нафар келажагимиз эгалари тарбияланмоқда. Боғчада таълим-тарбия ишлари рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Таълим масканида кичкинтойларнинг бугунги кун талаблари даражасида тарбияланишлари учун қулай шарт-шароит мавжуд. Бино тўлиқ таъмирланган бўлиб, унда барча турдаги машғулотларни олиб бориш учун имкониятлар яратилган.

Боғчанинг иситиш тизими ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Машғулотларни «Учинчи мингйилликнинг боласи» дастури асосида олиб бориш учун маскан барча турдаги жиҳозлар, ўйинчоқлар, техника воситалари — компьютер, телевизор, видеоаппаратлар билан таъминланган.

— Мавжуд гуруҳларда машғулотларни тизимли, узлуксиз олиб боряпмиз, — дейди боғча мудираси Фирдавс Абидова. — Тарбиячиларимиз машғулотларга пухта тайёрланадилар. Ҳар бир машғулотни боғча услубчиси билан биргаликда доимий таҳлил қилиб боришга ҳаракат қиламиз. 11та гуруҳнинг барчасида аудио-видео воситалари, турли йўналиш ва мавзуларга доир дисклардан мақсадли ва унумли фойдаланилмоқда. Ҳар бир тарбиячи ўз машғулотлари учун ҳар хил кўргазмали қуроллар ва дидактик материаллар ясайди.

Айниқса, машғулотларни ўтишда туширилган видеотасвирлар қўл келмоқда. Тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Татьяна Коневанинг тажрибаси эътиборга молиқдир. У болалар хотирасини мустаҳкамлаш ва эслаб қолиш қобилиятини ривожлантириш учун экранда турли қўл ҳаракатларини намойиш этади. Болалардан бу ҳаракатларни эслаб қолиш ва такрорлаш талаб этилади. Мазкур машқни тарбияланувчилар бажонидил бажаришади.

Бола шахсига йўналтирилган машғулотлар инновацион усулларда, гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилади. Машғулотлар видеодиск ёрдамида экранда намойиш этилганлиги боис, болаларнинг қизиқиши ортибгина қолмай, бу уларнинг ақлий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

— Бундай машғулотларни икки йилдан буён ўтказиб келяпмиз, — дейди боғча услубчиси Оязимхон Позилова. — Масканимизда болага дўстона муносабатдаги муҳит яратилган. Ҳар бир бола истеъдодли, гап — уни тўғри тарбиялашда.

Мазкур таълим муассасасида болаларга инглиз тили ҳам ўргатилади. Мана тўрт йилдирки, тажрибали, изланувчан педагог Гулнорахон Шокирова инглиз тили машғулотларини махсус жиҳозланган хоналарда олиб боради. Тил ўргатиш учун бу ерда етарли услубий қўлланмалар, техник воситалар ва дидактик материаллар мавжуд.

— Мактабга тайёрлов гуруҳида болалар билан мунтазам иш олиб борамиз, — дейди Гулнорахон. — Тарбияланувчиларимиз яқин ҳудуддаги мактабларда ўқишни давом эттиради. Бу мактабларга тез-тез бориб, кичкинтойларимизнинг фанларни ўзлаштириши, жисмоний, ақлий ва психологик ривожланиши билан яқиндан танишамиз. Ҳамкорликда иш олиб боришимиз мактаб ўқитувчиларига ҳам қўл келмоқда.

МТМда болаларни жисмоний ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчиси Комил Мингазовнинг жисмоний ҳаракатларга мўлжалланган машғулотлари самарали бўлмоқда. Тарбияланувчилар «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақасида фаол қатнашиб, шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб бўлмоқда. Шахмат бўйича Саша Фератов шаҳарда биринчи, вилоятда эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Муассаса педагогик жамоасининг шиори шундай: «Болага дўстона муносабатда бўлишимиз керак». Бу шиор эса миллий ва умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғликдир.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat» мухбири

2010-yil – Barkamol avlod yili

ТАЯНЧ НУҚТА

Юртимизда узоқни кўзлаб амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар баркамол авлоднинг Ватанимиз тараққиётида хизмати беқиёс бўлишига замин яратмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликнинг илк йилларидан оқ маънавият соҳасига устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётганлиги алоҳида эътиборга молик. Ўзбекистон таълим тизимининг жавоҳирлари бўлган янгидан бунёд этилган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, уларнинг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланганлигининг ўзиёқ бу ишлар кўлами ва аҳамиятини кўрсатиб туради.

Узоқни кўзлаган йўловчи бир жойга етганда, бир ортига қарайди, борар йўлига назар ташлайди, ўтган йўлини сарҳисоб этади, кўзлаган манзили режасини тузади. Истиқлол йилларида маънавият, маърифат, маданият борасида амалга оширилган ишлар, хусусан, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнига назар ташласак, узоқни кўзлаб изчил амалий ҳаракатлар қилинганини кўрамиз. Эътибор беринг, 2000 йил – "Соғлом авлод йили", 2008 йил – "Ёшлар йили", 2010 йил эса "Баркамол авлод йили", деб номланди. Ва бу борада Давлат дастури қабул қилиниб, кенг кўламли ишларга тамал тоши қўйилди.

Бу жараёнда энг муҳим жиҳат шундаки, ёшларни миллий қадриятларимиз, маънавий меросимизни қадрлайдиган, миллий истиқлол ғояларига содиқ, бир сўз билан айтганда, фарзандларимизни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Фикримизни биргина мисол билан изоҳлаш мумкин. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш хусусида тўхталар экан, "... ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш масалалари бир зум ҳам эътибордан четда қолмаслиги даркор", дея таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, миллат келажаги – Ватан келажаги, тарбия масаласи – келажак мевасидир. Тараққиётнинг бош мезони ҳам ана шу тарбияга, таълимга ва бугунги ҳаракатга боғлиқ.

Бугун халқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш, маънавий соҳани ривожлантиришга бўлган эътибор янги босқичга кўтарилди. Миллий кино, миллий театр, миллий қўшиқчилик санъати, миллий эстрадани ривожлантириш билан боғлиқ ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши, юзлаб музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғларининг ватандошларимизга маърифат улашаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида қатор маданий-маърифий муассасалар тарихий, ўлкашунослик, бадиий, мемориал ва бошқа йўналишдаги музейлар, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда бир қанча профессионал театр жамоалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хуллас, биз бугунги кунда Ватанимиздаги маънавий соҳа ривожи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки бу соҳада эришилган ютуқлардан фахрланиш бугунги кунда фуқароларимизда келажак учун масъулият билан бирга Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғусини шакллантиради.

Ҳа, бугун фикр, ғоя Ер шарининг таянч нуқтасига айланиб турган ҳозирги бир пайтда биз фақат ва фақат миллий маънавиятимизга собитлигимиз эвазига тараққиётга эришмоқдамиз. Мана мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз маънавий қадрият бўлиб, миллий маънавий ўзлигимиз, маънавий ор-номусимиз, ғурур ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбида мусстаҳкам ўрин эгаллайверади.

Маҳмуд РЎЗИҚУЛОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент

МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Tadbir

Наврўз — дўстлик, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатлик байрами. Сумалак, ҳалим ва кўк сомсанинг гашти ўзгача. Аммо асосийси, бу кунда ҳамма гиналар унутилади, янги мақсадлар, эзгу орзу-умидлар худди дарахт новдаларига ўхшаб бошлайди. Табиат уйғонгач, ҳеч қандай мусиқага эҳтиёж қолмайди. Дарахтларнинг енгил тебраниши, қушларнинг шўх-шодон сайроғи, тарновлардан оқиб тушаётган ёмғирнинг томчилаши ёқимли мусиқадек.

Шайхонтоҳур туманидаги 85-умутаълим мактаби саҳнасида худди шундай кайфият ҳукмрон. Болажонлар иштиёқ билан ижро этаётган шеър ва қўшиқлар, рақслар, саҳна кўринишларида беғуборлик ва қувонч, ҳаяжон мужассам. Айниқса, 1-синф ўқувчиларининг жарангли овози... Бугун улар илк маротаба саҳнада Наврўз ҳақида шеър айтиб, ҳаммани лол қолдирди.

Тадбирда Тошкент шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда М.Содиқов муаллифлигидаги «Вояга етмаганлар билан ишлаш» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Наврўз байрами болажонлар қалбида бир умрлик ёрқин хотира бўлиб қолди.

Висола ҚАРШИБОЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

E'lon

Тендер номи: 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини харид этиш.

Тендер №: ХТВ-МНТ-2010

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда умумтаълим мактаблари учун қуйида номлари келтирилган синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини тендер савдоларини ўтказиш орқали харид этади:

№	Мактаб ўқув ҳужжатларининг номи	Адади
1	1-4-синф журнали	83 000
2	5-9-синф журнали	111 500
3	10-11-синф журнали	2 900
4	Буйруқлар дафтари	15 000
5	Педагогик кенгаш мажлиси баённомалари дафтари	13 000
6	Психологик – педагогик ташхис дафтари	900 000
7	Баҳолар табели	900 000
8	Куни узайтирилган гуруҳлар дафтари	11 000
9	Тўгарак журнали	33300

Тендер синф журналлари ва бошқа мактаб ўқув ҳужжатларини сифатли ва арзон ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар Тендер комиссияси ёки Тендер комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакали танловдан ўтказилади. Шунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;
- талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;
- талабгорнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган гувоҳноманинг нотариал идоралари томонидан тасдиқланган нусхаси;
- талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;
- эълон берилган даврда тендер талабгорининг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси.

Қуйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арафасида турган;
- малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
- тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
- пакетлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;
- тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.

Малакали танловни ўтказиш тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи гуруҳи ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, ҳом ашё ва материалларнинг заҳиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар 2010 йил 13 мартдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқувметодик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлимидан қўшимча маълумотлар олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охирги кунига қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Дарсликлар ва ўқувметодик адабиётларнинг янги авлодини яратиш бўлими. Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+99871) 239-14-01, 239-40-83, Факс: (+99871) 239-40-81.

Халқ таълими вазирлигининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 250 000 (икки юз эллик минг) сўм миқдоридаги қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади: Махсус ҳисоб рақами № 20203000100101044002, АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО 00423, ИНН 201122808.

Тендер таклифи умумий қийматининг 2 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги закалат билан таклиф кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир маҳсулот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Тендер таклифлари 2010 йил 12 апрель соат 14.00 га қадар ишчи гуруҳ манзилига топширилиши керак. Тендер таклифлари 2010 йил 12 апрель куни соат 15.00 да юқорида келтирилган манзилда барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Dolzarb mavzu

МАЪНАВИЯТ:

уни аниқ ва табиий фанлар орқали қандай сингдириш мумкин?

"Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир...".

Ислом КАРИМОВ

Дарҳақиқат, маънавият кишининг мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, ўтмиши ва келажагини узвий боғлайдиган, орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган инсоний фазилатдир.

Маънавий баркамоллик инсон ҳаётининг бутун умри давомида шаклланиб, ривожланиб боради. У халқимиз тилида айтганда, бешикдан то қабргача, бутун умр мобайнида изланиш талаб этадиган тарбия ва таълим жараёнидир. Шу сабабли юксак маънавиятга эришмоқ учун барча жабҳаларда чуқур ўйланган, илмий тасдиқланган ва амалий тажрибалардан ўтган ақидаларга суяниш керак бўлади.

Баркамол инсонни шакллантиришда таълим ва тарбияни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, дейди доно халқимиз. Бир эсланг, одатда Ғарб мамлакатлари кинофильмларининг аксарият салбий қаҳрамонлари жуда чуқур билимли ва ўткир истеъдод эгаси бўлади. Улар билимларини инсон фаровонлиги учун эмас, ўзларининг манфаати учун ҳар қандай ёвузликдан ҳам тойишмайди. Бундай шахсларда билим бору, маънавият йўқ. Шунинг учун ҳам эл-юрт тинчлиги, жамият ва давлат ривожи, барқарор ривожланиш қоидаларини ҳаётда акс эттириш бевосита ҳамма йўналишда фаолият олиб бораётган педагоглар учун ўта масъулиятли бурчдир.

Юртимизда ёшларни маънан етук ва баркамол қилиб вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган. Бу борада таълим муассасаларида амалий ва назарий ишлар олиб борилаяпти. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида 2010 йил январь ойидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини олий таълим муассасалари бакалавриатининг 1-курсларида ўқитиш бўйича 20 соатлик (8та маруза, 4та мулоқот, 4та мунозара, 4та тақдимот) факультатив ўқув дастури ишлаб чиқилди. У асосда ўқув қўлланма, электрон адабиёт, таълим технологияси, фотогалерея, тест саволлари, плакатлар жамламаси яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетида олимлар, давлат ва жамият арбоблари ва республиканинг барча олий таълим муассасаларидан келган ҳамда тегишли факультатив курсларни олиб борувчи профессор-ўқитувчилар иштирокида семинар-тақдимот бўлиб ўтди. Мазкур дастур "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганиш юзасидан ўқув машғулотларини олиб борувчи олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган. Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, мазкур факультатив машғулотларнинг ўқитилиши ёшларнинг фанларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши табиий. Зотан, билим ва маънавий комилликнинг ҳар бир шахс истиқболи, оиласи, маҳалласи, қишлоғи, умуман, эл-юрт фаровонлигининг омили эканлиги ҳаётий мисоллар ва бугунги кун воқеа-ҳодисалари асосида теран англаниши ҳар кимни ўзига танқидий баҳо беришга, мушоҳадага чорлаши шубҳасиз.

Олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган ушбу дастурнинг мақсади ёшларда камолотнинг асосий мезони ҳисобланган юксак маънавий фазилатларни мустаҳкамлаш, маънавиятнинг шахс, жамият ва давлат ҳаётидаги заруриятини ижтимоий-ахлоқий мезонлар асосида ўрганишдан иборат. Ёшларга юксак маънавий дунёқарашнинг зарурияти, у мамлакат барқарорлигини таъминловчи омил эканлиги илмий асосланган. Шундай экан, ҳар бир педагог, у қайси бир таълим йўналишида бўлишидан қатъи назар, маънавиятнинг асосий қоидаларини ҳар бир дарсда татбиқ этиб бориши талаб этилади.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда ***табиий ва аниқ фанлар педагоглари*** олдида баркамол мутахассисларни тайёрлаш, дарсларда билвосита тарзда юксак маънавият — енгилмас куч эканлигини илмий асослаш ва уни ёшлар қалбига етказиб бериш вазифаси туради.

Мақсадга эришмоқ учун табиий ва аниқ фанлар профессор-ўқитувчилари қуйидаги **ишларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ**:

• Президент Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини тўлиқ ўзлаштириб олиш;

• ўтиладиган фан ёки ўқув курсининг назарий асосларини яна бир бор маънавий нуқтаи назардан таҳлил этиш;

• мутахассислик ўқув дастурларини маънавият кўрсаткичлари асосида такомиллаштириш;

• оралиқ ва якуний назорат саволларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва ўқувчи-талаба-тингловчиларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

• олинган тажриба ва натижаларни илмий ёки публицистик мақола сифатида кенг оммалаштириш;

• тегишли педагогик фаолият йўналиши бўйича учрашув, семинар, дебат ҳамда танловларни ўтказиш ва ҳ.к.

Ушбу вазифаларни ҳар бир фан дарс машғулотларида қамраб олиш, энг аввало, ўқитувчи олдига соҳа йўналишига қўшимча равишда маънавий-маърифий, фалсафий, сиёсий адабиётлар қаторида бугунги кун ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиликлар билан мунтазам танишиб бориш талабини қўяди.

Иккинчидан, адабиёт ва информацион маълумотлар билан танишиш механик тарзда эмас, балки муаллимнинг ўтаётган ёки ўтиши мўлжалланган ўқув курслари нуқтаи назаридан ўзлаштирилишига эътибор қаратилиши лозим. Шундагина мазкур асар ва унга тегишли адабиётлар табиий ва аниқ фан намояндалари учун қизиқарли ҳамда таъсирчан кучга эга бўлади. Маънавиятга оид адабиётларни педагоглар томонидан ўзлаштириш жараёнида тегишли ўқув курсининг дастур ва иш режаси ўзлаштирувчининг ёнида туради. Уларга тегишли маълумотлар ва ғоялар ҳар бир мавзуга белгилаб борилади, унга ажратиладиган вақт эса 2—5 дақиқагача қатъий меъёрланади.

Учинчидан, асарда келтирилган маънавиятга тегишли тушунчаларни билиб олиш, уни юзага келтирувчи ва ривожлантирувчи омилларни эса жадвал кўринишида ишлаб чиқиш тақозо этилади (жадвалга қаранг). Зеро, Президентимиз Ислом Каримов "Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган **барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ** бўлади", деб бежиз айтмаганлар.

Тўртинчидан, ўқув дастурлари, маруза матнлари, амалий ёки семинар машғулотларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб борилади. Масалан, табиий география фанининг мақсади ва вазифаларида — талабаларда Ватанимизда тарихан шаклланиб келган ва ўзига хос қайтарилмас моддий ва маданий меросга эга бўлган она табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотиш, эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тушунтириш ва ундан оқилона фойдаланиш орқали келажакка ишонч туйғусини шакллантириш. **Физика фани 1-бўлими "Механиканинг физикавий асослари" мавзуси**ни ўтишда Шарқнинг буюк алломалари Беруний, Хоразмий, Ибн Синоларнинг расмлари туриши, Ўзбекистонда физика ва техника соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар ва унинг ютуқларини акс эттирувчи плакат, видеоклип ёки электрон кўрсатувлар билан таништириб бориш талабини қўйиш.

Бешинчидан, ўтилган дарсларни мустаҳкамлаш. Масалан, **Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ўқув курси**дан бериладиган мустақил ишда талабаларнинг экотизимлар барқарорлигини таъминлаш учун биз қандай табиат объектларини моддий ва маданий мерос сифатида сақлаб қолишимиз мумкинлигини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб келишни талаб этиш.

Олтинчидан, оралиқ, жорий ва якуний назорат саволларига маънавиятга тегишли масалаларни киритиш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. Масалан, **Олий математика ўқув курси**дан оламга машҳур Хоразмий, Беруний, қолаверса, Қори Ниёзий, Саъди Сирожиддинов каби ўзбек математиклар мактабида мазкур фан соҳасида эришилган ютуқлар ҳамда уларнинг давомчилари замонамиздаги ёш олимлар ҳақидаги маълумотларни тест саволларига киритиш.

Еттинчидан, тегишли педагогик фаолият йўналиши бўйича семинар машғулотлари ҳамда кўрик-танловларни ўтказиш. Таълим муассасаларида комплекс ёки аниқ ва табиий фанлар доирасида бўлиши режалаштирилган республика анъанавий анжуманларининг кун тартибига ёинки иш режасига "Иқтисодиёт ва маънавият", "Информатикада маънавият", "Маънавият статистикаси" каби масалаларни киритиш. Режалаштирилаётган фан ёки умумтаълим конференцияларини, махсус "Юксак маънавиятли педагог қандай бўлмоғи керак?", "Биологик таълимда маънавият мезонлари" каби анжуманларни мўлжаллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юксак маънавиятли баркамол шахсни тарбиялаш кўп қиррали ва доимий давом этадиган жараён экан, унда кузатувчи сифатида эмас, балки фаол иштирокчи бўлиб қатнашиш ҳар бир педагогнинг жамият ва давлат олдидаги бурчидир.

Маънавият омилларини табиий ва аниқ фанларга оид ўқув курсларида акс эттириш

жадвал

Маънавият кўрсаткичлари	Ўқув курси мавзулари	Айтилиши ёки кўрсатилиши лозим бўлган материаллар
Маънавий мерос омиллари		
Маънавий меросни ардоқлаш; урф одатлар ва анъаналарга содиқ қолиш; диний қадриятларни ардоқлаш ва ҳ.к.		
Маданий ва моддий бойлик омиллари		
Давлат ва она тилига бўлган эъзоз; ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббат; ватанпарварлик ҳисси билан яшаш ва ўз юрти билан фахрланиш; Она заминга ва атроф-муҳитга бўлган муҳаббат; яратилган моддий, жумладан, тарихий бойликларни сақлаш ва ҳ.к.		
Тарихий омиллар		
Ватан тарихини билиш; буюк алломалардан ўрнак олиш; тарихий обидалар ҳақида тасаввурларга эга бўлиш; қадимдан шаклланган миллий таълим-тарбиянинг ижобий хусусиятларини сақлаш ва ҳ.к.		
Келажакка ишонч омиллари		
Юртимизда бўлаётган даврий ўзгаришларга ижобий баҳо бера олиш; ўзга юртлар билан қиёслаганда ифтихор туйғусига эга бўлиш; иқтисодий, ижтимоий салоҳиятини кўра билиш; баркамол авлодни шакллантириш ва ҳ.к.		

А.НИҒМАТОВ,
ЎзМУ проректори, профессор

Albatta, har bir millatning yutug'i uning kelajagi bo'lgan ma'naviyatli va ma'rifatli yoshlardir. Zero, ma'naviyat bo'lmagan joyda taraqqiyot bo'lmaydi. Har qanday jamiyat rivojlanishni istaydi, buning uchun avvalo komil insonni shakllantirish kerak bo'ladi.

Ma'rifat
2010-yil 13-mart

NOAN'ANAVIY YIG'ILISH

ota-onalarni o'qituvchining yaqin hamkoriga aylantirdi

Toshkent shahridagi 292-maktabda "Farzandim kamoli" mavzusida noan'anaviy ota-onalar yig'ilishi bo'lib o'tdi. Tajribali pedagog Q.Ahmedova tomonidan tashkil etilgan mazkur tadbir ota-onalarda mas'uliyat hissini oshirganligi bilan ibratlidir. Yig'ilishga tashrif buyurgan ota-onalarning ba'zilari bu galgi yig'in shunchaki ma'ruza tarzida emas, balki o'zlarining ham faolligida o'tishini anglagan holda uylariga qayta borib, farzandlarining kundalik daftarlarini olib kelganligi ham noan'anaviy majlisning dastlabki noan'anaviy voqeasi bo'ldi.

Yeg'ilish avvalida har bir ishtirokchi o'z nomi yozib qo'yilgan stolga borib o'tirdi. Shundan so'ng oiladagi tarbiya, bolani yoshligidan mehnatsevar, yuksak ma'naviyatli, o'z kelajagini belgilay oladigan mustaqil fikrli shaxslar etib tarbiyalash borasida xalqimizning boy tajriba va an'analariga tayangan holda ish olib borish lozimligi xususida bahs-munozarali, ilmiy-tahliliy, eng muhimi, asosli mulohazalar o'rtaga tashlandi. Seminar ishtirokchilari farzand tarbiyasiga befarq bo'lmaslik kerakligini chin dildan his qilishdi.

Ota-onalar, o'qituvchilar va xalq ta'limi bo'limi mutaxassislari tomonidan yuqori baholangan, ko'p bora e'tirof etilgan mazkur yig'ilish ishlanmasini, e'tiboringizga havola etmoqdamiz. Bu sizning ish faoliyatingizda yaxshi samaralar berishiga ishonamiz.

Sinab ko'ring

MAVZU: "FARZANDIM KAMOLI"

"Barcha ezgu niyatlarimizning markazida farzandlarimizni ham jismoniy, ham ma'naviy jihatdan sog'lom qilib o'stirish, ularning baxt-u saodati, farovon kelajagini ko'rish, dunyoda hech kimdan kam bo'lmaydigan avlodni tarbiyalash orzusi turadi".

I.A.KARIMOV

Prezidentimiz I.A.Karimovning ushbu so'zlari yozilgan ko'rgazma ko'rinadigan joyga chiroyli qilib ilib qo'yiladi. Yig'ilish o'tkaziladigan joy chiroyli qilib bezatiladi. O'quvchlar ijodi namunalari, dars va mashg'ulotlar aks etgan fotosuratlar, turli mavzuda o'quvchilar tomonidan tayyorlangan bukletlar qo'yiladi. Seminar ishtirokchilari kutib olinadi. Ularga oldindan tayyorlanib ismi va familiyasi yozib go'ylgan vizitkalar beriladi.



Ota-onalarga quyidagi mazmunda taklifnoma oldindan beriladi:



Ishtirokchilar doira shaklida yasatilgan stollar atrofida o'tirishadi. Suhbat erkin va samimiy bo'lishi uchun bir piyola choyga taklif etiladi. Seminar ishtirokchilari 3-4 guruhda faoliyat yuritishadi. Seminar quyidagi fikrlar bilan boshlanishi mumkin:

— Davlatimiz rahbari, Prezidentimiz Islom Karimovning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 17 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasini hamma qatori biz o'qituvchilar, ota-onalar — barchamiz diqqat bilan tingladik.

Mazkur tantanali yig'ilishda Prezidentimiz yangi yilni, ya'ni 2010-yilni "Barkamol avlod yili" deb e'lon qildilar.

Albatta, har bir millatning yutug'i uning kelajagi bo'lgan ma'naviyatli va ma'rifatli yoshlardir. Zero, ma'naviyat bo'lmagan joyda taraqqiyot bo'lmaydi. Har qanday jamiyat rivojlanishni istaydi, buning uchun avvalo komil insonni shakllantirish kerak bo'ladi. Bizda ana shunday imkoniyatlar bor. Istiqlol yillarida komil inson tarbiyasi borasida ma'naviyatning asoslari ishlab chiqildi va hayotga tatbiq etilmoqda.

Yurtboshimizning mamlakatimiz kelajagi, barkamol avlod kamoli to'g'risida hamisha qayg'urishini dil-dildan his etdik.

Shu kabi fikrlar bildirilgach, quyidagi topshiriq beriladi (fikrlar takrorlanib qolmasligi uchun har xil mavzular ustida ishlash maqsadga muvofiq).

"Oilada bolaning shakllanishi" mavzusi "Oila" guruhiga beriladi.

"Bolaning maktabda shakllanishi" "Maktab" guruhiga beriladi.

"Mahallada bolaning shakllanishi" "Mahalla" guruhiga beriladi.



Javoblar eshitiladi va fikrlar bildirilib yakunlanadi.

Musiqiy tanaffus e'lon qilinadi.

Ishtirokchilarga ikkinchi savol bilan murojaat qilinadi.

Farzand tarbiyasiga ta'sir ko'rsatuvchi omillarni qanday baholaysiz?

Maktabning ta'siri		Oilaning ta'siri	
Ijobiy	Salbiy	Ijobiy	Salbiy

Do'stlarning ta'siri		Mahallaning ta'siri	
Ijobiy	Salbiy	Ijobiy	Salbiy

Ishtirokchilarga navbatdagi topshiriq beriladi:

Farzandlar kamoli nimalarga bog'liq? Barcha guruhlar ushbu savollar bo'yicha ishlashadi va taxminan quyidagicha javoblar bildiriladi:



Sinf rahbari quyidagi fikrlar bilan ushbu topshiriq bo'yicha bildirilgan mulohazalarni umumlashtirishi mumkin:

— Farzandimiz kamoli oldidagi mas'uliyat ona vujudida boshlanadi, chunki bola ona olgan havodan nafas oladi hamda ham moddiy, ham ma'naviy, ham ma'rifiy, ham ruhiy ozuqa oladi. Har qaysi millatning o'ziga xos ma'naviyatini shakllantirish va yuksaltirishda, hech shubhasiz, oilaning o'rni va ta'siri beqiyosdir.

Yoshlarimizning qalbi va ongini asrash, ularni milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash, har bir sohada yetuk mutaxassislar tarbiyalash kerakligi ta'kidlanadi.

O'qituvchi Prezidentimiz tomonidan yangi 2010-yilga nima uchun "Barkamol avlod yili" deya nom berilganligiga izoh berib o'tadi.

O'qituvchi: *— Oldimizga qo'ygan hamma maqsadlarimiz, barcha sa'y-harakatlarimiz negizida farzandlarimizning ham jismoniy, ham ma'naviy kamoloti turadi. Aslida ham millatimiz va kelajagimizning ertangi kuni bugun maktab partasida o'tirgan bolalarimizning qay darajada ta'lim-tarbiya olayotganiga bog'liq. Prezidentimiz Islom Karimovning "Barkamol avlod hech kimdan kam bo'lmaydi" degan fikrlarini qalbimizga jo qilgan holda ota-onalar ham, o'qituvchilar ham o'z mas'uliyatimizni unutmasligimiz kerak.*

Shunday ekan, biz o'qituvchilar, ota-onalar barkamol avlodni tarbiyalash, ta'limni yuksaltirish ruhi ustuvorlik qilgan ma'ruzadan ruhlanib, ma'suliyatni his qilgan holda kelajagimiz, Vatanimiz ravnaqi uchun o'z hissamizni qo'shishda yanada ko'proq harakat qilishimiz kerak, deb o'ylayman.

Hurmatli ota-onalar, farzandingizning kamoli ko'proq Sizning harakatingizga bog'liq ekanligini unutmasligingiz kerak. Barchangizga o'z farzandingiz kamolini ko'rish nasib etishini tilab qolaman.

Sinf rahbari mana shu kabi fikrlarni bildirgach, tavsiyalar ishlab chiqiladi. Ishlab chiqilgan tavsiyalar quyidagicha bo'lishi mumkin:

Toshkent shahar Bektemir tumanidagi 292-umumiy o'rta ta'lim maktabi 3-"a" sinf ota-onalari uchun "Farzandim kamoli" mavzusida o'tkazilgan seminar-trening bo'yicha

TAVSIYALAR

1. O'qituvchilarga hurmat ko'rsating va ularning tashabbusini qo'llab-quvvatlang.

2. O'qituvchilar bilan farzandingizning o'zlashtirishi va xulqi haqida suhbatlashish uchun uchrashing.

3. Maktabda o'tkaziladigan ota-onalar majlislarida qatnashing.

4. Farzandingizga uy vazifasini bajarishga yordam bering.

5. Har kuni farzandingiz bilan maktabda o'tgan kun to'g'risida suhbatlashing.

6. Bolangizga uy vazifasi bilan shug'ullanishi uchun alohida joy ajratishga harakat qiling.

7. Farzandingizning o'qituvchisi bilan ko'proq muloqotda bo'ling.

8. Maktab ota-onalar qo'mitasi ishida faol qatnashing.

9. Maktabdagi ta'lim jarayonidan xabardor bo'lishingizga yordam beradigan tadbirlarda qatnashing.

10. Boshqa ota-onalarning bolani tarbiyalalashdagi tajribasi bilan o'rtoqlashing.

11. Mutaxassis, kuzatuvchi, hamkor sifatida maktabdagi darslarda qatnashing.

Ushbu tavsiyalar ota-onalarga rangli qog'ozlarda chiroyli tarzda tarqatilishi maqsadga muvofiqdir.

Shundan so'ng seminar-trening bo'yicha anketa savollari tarqatiladi va javoblar olinadi.

Anketa savollarini quyidagicha tuzish mumkin.

ANKETA SAVOLLARI

1. Seminar-treningdan nimalar kutgan edingiz?

2. Nimalarga e'tibor berilmadi, deb o'ylaysiz?

3. Seminar-trening qanday taassurot qoldirdi?

4. Sizning farzandingizni dars beruvchi o'qituvchilarning xizmati qoniqtiradimi? (Fani, familiyasi bilan yozing).

Ota-onalardan javob olingach, sinfda yaxshi natijalarga erishgan, tanlovlarda sovrinli o'rinlarni egallagan o'quvchilarning ota-onalariga maktab ma'muriyatining tashakkurnomasi beriladi.

Sinf ota-onalar kengashi raisi ishtirokchilarga yaxshi tilaklar bildirib, yig'ilishga yakun yasaydi.

Qutbiniso AHMEDOVA,
Bektemir tumanidagi 292-maktab o'qituvchisi

"QOZON TO'LDI" — NAVRO'Z KELDI

Navro'z azaliy va abadiy bayram ekanligini farzandlarimizga bolaligidanoq anglatmoq maqsadga muvofiqdir. Bunda 3-sinf o'quvchilari uchun O'qish darslarida quyida berilgan dars ishlanmasidan ijodiy foydalanish mumkin.

Darsning maqsadi: a) o'quvchilarga milliy bayramimiz — Navro'z udumlari, urf-odatlari, taronalari haqida tushuncha berish;

b) o'quvchilarda o'zbek xalqining boy milliy qadriyatlariga hurmat, milliy g'urur, iftixor tuyg'usini oshirish orqali yuksak didli, iymon-e'tiqodli, aqlan barkamol, ma'naviyati yetuk, komil insonni tarbiyalash;

d) o'quvchilarda o'zbek xalqining milliy urf-odat, an'ana va qadriyatlarini amalda qo'llash malakalarini shakllantirish, o'quvchilar nutqini o'stirish va tinglash qobiliyatini rivojlantirish, ularda milliy an'analarga mehr uyg'otish va ularni turmush tarzida qo'llay olishga o'rgatish.

Darsning tipi: yangi bilimlarni bayon qilish.

Darsning uslubi: og'zaki, ko'rgazmali.

Darsning usuli: "Zakovat", "Guruhlarda ishlash", "Boshqotirmalar", "Bahs-munozara".

Darsning jihozi: Islom Karimovning "Yuksak ma'naviyat — yengilmas kuch" kitobi, kompyuter, multimedia, "Navro'z bayrami"dan lavhalar.

"Zakovat" o'yini

Afsonalarda aytilishicha, Zardo'sht yetti mo'jiza — suv, tuproq, havo, olov, o'simlik, sigir va odamga monand holda yettita bayramni joriy qilgan emish.

Savol: 7-mo'jiza qaysi bayram?

Agar o'quvchilar savolni topishga qiynalsalar, quyidagicha savol beriladi:

Abu Rayhon Beruniy "Quyosh va Oy falakning ikki ko'zi bo'lganidek, bu ikki bayram ham zaminning ikki ko'zidir", deb qaysi bayramni nazarda tutgan edi?

Ekranda Navro'z tantanalaridan lavhalar aks etadi.

O'qituvchi: — Bugungi O'qish darsimizga tayyormisiz? Guruh-guruh bo'lib o'tirganingizdan ma'lumki, bilimlaringizni sinab ko'rmoqchisiz. Marhamat, guruhlar bilan tanishib chiqamiz.

(Har bir guruh o'z nomini, shiorini aytadi.)

1-guruh sardori:

— Bizning guruh: "Bahor".

Bizning shior: "Yaxshi kun saharidan ma'lum,
Yaxshi yil — bahoridan".

2-guruh sardori:

— Bizning guruh: "Navro'z".

— Bizning shior: "Navro'zdan so'ng qish bo'lmas,
Mezondan so'ng yoz bo'lmas".

3-guruh sardori:

— Bizning guruh: "Sumalak".

Bizning shior: "Bahorning sen elchisi, yaxshilikning belgisi,
Navro'zning sen singlisi, sumalakjon, sumalak".

O'qituvchi bugungi darsimizda 5 ta topshiriq bo'yicha bellashasizlar.

1. Navro'z haqida afsonalar.
2. Matn mazmunini so'zlab berish.
3. "Boshqotirmalar" usuli.
4. Navroz udumlari.
5. Navro'z taronalari.

1-topshiriq: Navro'z haqida afsonalar.

"Bahor" guruhi: *Jamshidning taxti.*

Hikoya qilishlaricha, Navro'z Jamshidning taxtga o'tirgan kuni emish. Jamshid u yerga kelgach, o'ziga bir shohona taxt yasattirib, turli qimmatbaho toshlar, dur-u javohirlar bilan bezatilgan tojini boshiga kiyib, taxtiga o'tiribdi. Bu orada quyosh chiqib, oftob nuri Jamshidning toji bilan taxtiga tushibdi. Birdan butun tevarak-atrof munavvar bo'lib ketibdi. Bu mo'jizani ko'rib hayratlangan ulus Jamshid taxtga o'tirgan kunni Navro'z, ya'ni yangi kun deb bayram qilgan ekan.

"Navro'z" guruhi: *Sulaymonning uzugi.*

Sulaymon ibn Dovud o'zining sehrli uzugini yo'qotib qo'yibdi. U ko'p xafa bo'lib, aziyat chekibdi. Ammo oradan qirq kun o'tgach, uzugi topilib, avvalgi ravnaqi yana o'ziga qaytibdi. O'sha kuni olamdagi barcha xonlar, jonivorlar-u qushlar Sulaymonning huzuriga bosh egib kelibdilar. Buni ko'rganlar: "Yangi kun muborak!", deyishibdi. Shu-shu o'sha kun Navro'z deb ataladigan bo'libdi. Sehrli uzugi topilganiga suyungan Sulaymon shamolga buyuribdi, shamol uni toj-u taxti bilan ko'tarib ketayotgan ekan, bir qaldirg'ochning uyasiga duch kelib qolibdilar. Shunda qaldirg'och:

— Ey, podshoh, uyamda bir necha tuxumim bor, ularga ozor berma, — debdi.

Sulaymon qaldirg'ochning uyasini chetlab o'tib, bir xushmanzara joyga yetganda yerga tushibdi. Shu payt haligi qaldirg'och tumshug'ida suv olib kelibdi va Sulaymonga bir chigirtkaning oyog'ini hadya etibdi. Navro'z kuni suv sepib, sovg'alar berish udumi ana shundan qolgan ekan.

2-topshiriq: "Navro'z — bahor bayrami" matnining mazmunini so'zlab berish, darslik bilan ishlash.

3-topshiriq: "Boshqotirmalar" usuli.

"Bahor" guruhi: Kompyuter yordamida "Boshqotirmalar" o'yini amalga oshiriladi.

"Navro'z" guruhi: Agar ip yordamida bo'g'inlarni to'g'ri qo'shib o'qisangiz, o'zbek maqollaridan birini bilib olasiz.

Mickey Mouse



"Navro'z" guruhi: *"Arg'imchoq uchish" udumi.*

Bayram kunlari qiz-juvonlar bog' sayriga chiqqanlar. Azim o'riklarning baquvvat shoxlariga arqon tashlab, arg'imchoqlar yasalgan, hamma navbati bilan arg'imchoq uchgan. Navro'zda arg'imchoq uchsa, kishining yil bo'yi kayfiyatini ko'tararmish. Shu bois, hatto keksa momolar ham "Arg'imchoq uchsak, savob bo'ladi. Og'irligimiz yerga to'kiladi, qushdek yengil bo'lamiz!", deyishib, arg'imchoq uchishgan.



Amaliy mashg'ulotlarda

"Sumalak" guruhi:
Ushbu rasmda qaysi Navro'z taomining nomi yashiringan?

4-topshiriq: Navro'z udumlari.

"Bahor" guruhi: *"Qozon to'ldi" udumi.*

Navro'z 21-martdan 22-martga o'tar kechasi "Qozon to'ldi" udumi bilan boshlangan. "Qozon to'ldi" oilaviy udum bo'lib, har bir oila o'z imkoniyatiga qarab, tansiq taomlar, ko'kat somsalar, bo'g'irsoqlar tayyorlagan. "Qozon to'ldi"ning ertasi kuni pishirilgan taomlar yog'i bilan qo'shga qo'shiladigan ho'kizlarning shoxlarini moylashgan. O'sha kuni tayyorlangan taomlar va pishiriqlar qo'ni-qo'shnilarga ulashilgan. Shu oqshomda kechasi bilan sumalak, halim ham pishirilgan. Bu taomlar qozoni ertasiga ochilgan. "Qozon to'ldi" — qut-baraka tantana qiladigan xalq bayramidir.

5-topshiriq: Navro'z taronalari.

"Navro'z" guruhi: *"Qaldirg'och".*

Naql qilishlaricha, qaldirg'och qishning sovuq kunlarida Semurg' qushning qanoti tagiga yashirinib, o'zini sovuqdan saqlar emish. Semurg' mehribon va tanti qush sifatida barchaga ezgulik sog'inib yasharkan. Shu sababdan bolalar Semurg'ni doimo sog'inib, uning holini so'rasharkan:

— Qaldirg'och, qanoting yetti quloch,
Borasan, kelasan, Semurg' momom, sog'ginami?

"Sumalak" guruhi: *"Erta kelgan laylak".*

Barvaqt kelgan laylakka qarata quyidagi aytimlarni aytganlar:

Laylak, nega kelding barvaqt?
Ham o'zingni, ham meni qilding halak.
Etikni buzib papoq qilding,
O'zingni yalangoyoq qilding.

Laylakning oyog'idagi popugi papoqqa o'xshaydi. "Laylak keldi, endi yoz bo'ldi" deb, etigini yechgan odamlar sovqotib, shu aytimni aytgan ekan.

O'tilgan mavzu bo'yicha darsni mustahkamlash uchun quyidagi savollar beriladi:

— Siz Navro'zni qanday kutib olasiz?

— Qanday Navro'z taomlarini bilasiz?

— Bayram kunlari qanday tadbirlar o'tkaziladi?

Darsda faol ishtirok etgan guruh, o'quvchilar rag'batlantiriladi.

Uyga vazifa: "Bahorgi ta'til" mavzusida hikoya yozib kelish.

Shohida BOZOROVA,
Karmana tumanidagi
1-maktabning boshlang'ich sinf o'qituvchisi

ЎҚУВЧИНГИЗ (ФАРЗАНДИНГИЗ) БАДИИЙ КИТОБ ЎҚИЙДИМИ?

Китоб — иккинчи ўқитувчи. Умрингизнинг хоҳлаган дақиқасида сизга таълим беришга, билмаган нарсаларингизни ўргатишга ва сиз билан сирлашишга тайёр устоз. Инсон учун моддий неъматлар кундалик эҳтиёжга айланганидек, китоб ўқиш, ундан баҳра олиш, завқланиш, маъномазмунини англаш, бир сўз билан айтганда, қалбни ҳар куни маънавий-руҳий жиҳатдан тўйинтириб бориш ҳам шу даражада ҳаётий зарурат бўлмоғи лозим. Китобхонлик инсондаги одамийликка қайсидир жиҳатлари билан ҳамоҳанг бўлган, биздаги кўз илғамас силжишларга ҳамиша нафис жавоб берувчи алланечук бир тилсим. Бошқача айтганда, мутолаа китобхонни ўзлигини англашга даъват этади.

Инсониятнинг бугунги тараққиёт, илм-фан, техника даврига етиб келишида ҳам китобнинг ўрни беқиёслиги айни ҳақиқат. Аммо бугунги кунда китобхонлик, бадиий адабиёт тўғрисида сўз борганда "ёшлар китоб ўқимайди", "ёшларнинг китобга муносабати суст", деган салбий фикрлар қулоққа чалинади. "Китобнинг даври ўтди, интернет замонида яшаяпмиз", деган иддаолар ҳам йўқ эмас. Қачонки ўқувчига бирор-бир фан ўқитувчиси томонидан муҳим вазифа берилса, уни бажариш учунгина китоб варақланади. Шу ўринда савол туғилади, бугун нашрдан чиққан ва чиқаётган бадиий адабиётларимиз ёшлар онги ва эртанги камолоти учун қанчалик хизмат қилаяпти? Уларнинг тарбиявий аҳамияти қай даражада?

Юқорида келтирилган саволларнинг жавоби бир қадар мураккаб ва турфа. Бугунги ўқувчи-ёшлар эртанги келажак давомчилари, шундай экан, уларнинг етук шахс бўлиб шаклланишига таъсир этувчи маънавий омиллардан бири бўлган китоб ва бадиий адабиётга муносабатни ҳеч қачон эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Биз мазкур жиҳатни ўрганиш мақсадида ўз таълим муассасамизда кичик бир социологик тадқиқот ўтказиб, ундан олинган натижалар бўйича масаланинг ечимига ойдинлик киритишга ҳаракат қилдик. Тадқиқот 5та гуруҳ 2-босқич ва 4та гуруҳ 3-босқич ўқувчиларидан, жами 350 нафар респондент орасида ўтказилди. Сўровномадаги 25та савол ўқувчининг ёши ва унинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда тузилди.

Социологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, респондентларнинг, яъни ўқувчи-ёшларнинг 42 фоизи бадиий адабиётга қизиқишлари, кўпроқ адабиёт дарслигидаги ёзувчи ва адибларнинг асарларини ўқишларини таъкидлаб, ҳар бир ўқиган асар қаҳрамонидан ўзи учун керакли бўлган тарбиявий жиҳатни, ҳаттоки ўзидаги баъзи камчиликларни топишини айтиб ўтди.

"Қайси жанрдаги асарларни севиб ўқийсиз?" деган саволга ўқувчиларнинг 10,2 фоизи детектив, 10,8 фоизи драматик жанрдаги адабиётларни, 10,2 фоиз ўқувчи эса жанр танламасликларини кўрсатишган. "Энг яхши кўрган асар ва ёзувчингиз?" деган саволга 15,2 фоиз ўқувчи "Ўтган кунлар", "Қутлуғ қон", "Икки эшик ораси" ва "Шайтанат", 12,8 фоиз ўқувчи "Юлдузли тунлар", "Уфқ", "Уч илдиз", "Оқ кема", 22 фоиз ўқувчи-респондентлар жаҳон адабиётига қизиқишини билдириб, жаҳон адабиёти дурдоналаридан Жек Лондоннинг "Мартин Иден", Ги де Мопассоннинг "Азизим", А.Камюнинг "Бегона", Л.Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", Габриел Маркеснинг "Ёлғизликнинг юз йили" каби асарларини кўрсатишган.

Kuzatuv

Қолган респондентлар эса кўпроқ бадиий фильмлар кўриши ва интернет орқали ўзига керакли қисқа маълумотлар олишини айтишган. Бунга сабаб қилиб, ўқишга тайёрланиш кераклигини ёки ёши ва қизиқишларига мос асарларнинг йўқлигини кўрсатишган.

"Агар ўқитувчингиз сиздан мажбуран бирор бир асар ўқишни талаб қилса ўқийсизми?" деган саволга 22 фоиз ўқувчи "ҳа, иложи борича", 6,2 фоиз ўқувчи "билмадим, бундай вазиятга тушмаганман", 6,2 фоиз ўқувчи эса "кундалик баҳоларимга таъсир қилса ўқиган бўлардим", деб жавоб беришган. Умумий мажмуадаги респондентларнинг 23 фоизи эса қисман бадиий адабиёт мутолаа қилишини, ҳар ойда бўлмаса-да, қизиқарли асар бўлса, иккиланмасдан ўқишини айтишган.

Тадқиқотдан олинган натижаларнинг қанчалик ҳаётга тўғри келишини текшириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида бўлдим. Кутубхонага келувчиларнинг 40 фоиздан ортиқроғи ўқувчи-ёшлар эканлиги, улар орасида 50 фоиз ўқувчи драматик адабиётларни ўқиши, 40 фоиз ўқувчи детектив жанрдаги адабиётларни ўқиши, 10 фоиз ўқувчи эса турли жанрдаги адабиётларни сўраши аниқланди. Бундан, қайсидир маънода юқорида берилган саволларнинг жавоби топилгандай бўлди. Озми-кўпми бугун ўқувчи бадиий адабиётга мурожаат этаяпти. Кимдир бир асарни қайта-қайта ўқиб ҳам ҳар гал ўзгача таассурот олади.

Бадиий адабиёт намуналари авлоддан-авлодга ўтиб, инсон маънавий оламини зиё билан тўлдиради. Фақат ёшларга унинг бу каби мўъжизаларини кўрсата олиш лозим. Бунинг учун эса китобхонлик кечаларини ўтказиш, ёшларни болаликдан китоб дўконларига саёҳатга олиб бориш, ёзувчи-шоирлар билан учрашув кечаларини ташкил этиш, таълим муассасаларида ҳар хил адабиётларнинг кўргазмаларини ташкил этиш, фарзандларимизнинг туғилган кунларида уларга китоблар совға қилиб боришимиз лозим эмасми?

Назокат ҲУСАНОВА,
Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси



БАРКАМОЛЛИК НАМОЙИШИ

2009—2010 ўқув йили — Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили муносабати билан таълим муассасаларида турли тадбирлар уюштирилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги 202-мактабда "Биз баркамол авлодмиз" номи остида мактаб—маҳалла—оила ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда асосан, муаллима Гулчеҳра Ўрмонова бошчилигидаги бошланғич синф ўқувчилари иштирок этиб, «мактаб», «ўқитувчи», «билим», «ота-она» каби сўзлар иштирокида шеърлар айтиб, саҳна кўринишлари намойиш этдилар. Саҳна кўринишларида дўстлик, ёшлик, баркамоллик каби ғоялар илгари сурилганлиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

А.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Kasaba uyushmalari hayotidan

МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ УСТУН

Қарийб 160 минг нафар таълим ходимларини ўзига бирлаштирган таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши томонидан тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб Меҳнат кодексидаги тегишли моддалар бўйича ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга қўшимча қулайликлар яратиш, иш ва ўқиш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш сингари масалаларни назорат қилишнинг қатъий чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Кенгаш раиси Эркинжон Каримов булар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг 61 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Демак, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш алоҳида эътибор талаб этади. Фарзандлари 2-3 ёш бўлган оналарга моддий ёрдам бериш мақсадида 254 муассасанинг 298 нафар ходимасига етти миллион сўмдан ортиқ маблағ иш берувчилар ва касаба уюшмалари ҳисобидан ажратилди.

Соҳа ходимлари ҳамда уларнинг фарзандлари саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш масаласи ҳам касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидандир. Ўтган йилнинг ёзги дам олиш мавсуми давомида 19та доимий ишловчи ҳамда 38та кундузги оромгоҳларда 19001 нафар болажоннинг ҳордиқ чиқариши таъминланди. Уларнинг 5735 нафари имтиёзли, 1073 нафари бепул дам олди. Шунингдек, жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари орқали 612 нафар педагог-ходим сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож якка-ёлғиз кексаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам уюшманинг доимий диққат марказида. Ўтган йил давомида тармоқ муассасаларида ишлаб, нафақага кузатилган 50 нафар ёлғиз отахон-онахонларнинг барчаси касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳомийликка олинган ва уларга ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи барча қўшимча ва устамалар билан қўшиб ҳисоблаганда 2004 йилдагига нисбатан 5,15 баробарга ортди.

Маълумки, республикамиз Президенти ва ҳукумат қарорлари асосида халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда улар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тизими жорий этилиши муносабати билан Директор жамғармалари ташкил этилган. Жамғарма маблағларини беришда холислик ва одилона ёндашувни таъминлаш мақсадида тузилган махсус комиссиялар таркибига бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг раислари ҳам киритилган.

Бу йил биз учун ўта масъулиятли йил ҳисобланади. Чунки барча бўғин касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтади. Қолаверса, ушбу муҳим тадбир касаба уюшма ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйиш, ижтимоий шерикчилик тамойилларини бундан-да ривожлантиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам тармоқ касаба уюшма органларида бу йилги ҳисобот-сайловларнинг юқори савияда ўтиши учун пухта ҳозирлик кўрилди.

Айниқса, ташкилотларимизнинг «Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман (шаҳар) ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш бўйича», «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш бўйича» ҳамда «Касаба уюшмага аъзолик афзалликларини асослаш бўйича» тавсиялари билан таъминланиши жойларда туғилиши мумкин бўлган айрим муаммоларни бартараф этишда самарали натижа бермоқда.

Дастлаб Марҳамат туманидаги 40-умумтаълим мактабида вилоят миқёсида намунавий семинар ўтказилди. Мазкур семинарда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаш вакиллари қатнашиб, улар тармоқ Марказий кенгаши томонидан тайёрланган услубий қўлланма билан таништирилдилар. Бундай тадбирлар ҳар бир туман, шаҳар миқёсида ўтказилди. Мазкур ўқув семинарлари бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловларнинг самарали ўтишини таъминламоқда.

Ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида касаба уюшма ташкилотларининг ҳисобот даврдаги барча йўналишлари бўйича фаолиятлари чуқур таҳлил қилинишини таъминлаш, фаолиятига танқидий баҳо берган ҳолда келгусида касаба уюшма ташкилотлари ишини давр руҳига мос равишда тубдан яхшилаш чоралари белгиланди. Шунингдек, касаба уюшмалари кадрлари таркибини чуқур таҳлил қилиб чиқиш, тизимга ёш, ғайратли, соҳа муаммоларини яхши билиб, ҳал этишга кўмаклаша оладиган ходимларни жалб этишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

О.СИДДИҚОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Maqolada buyuk shoir va mutafakkir, so'z mulkining sultoni hazrat Alisher Navoiyning g'azallaridagi ummon-ummon ma'nolar ilmiy asoslangan holda tahlil qilingan.

КУМУШ ҚИШ ИЛҲОМЛАРИ

«Faslning eng yaxshi ijodkorlari»

Мана, гоҳи ёмғирли, гоҳ қорли кунлар билан ўтган кумуш қиш ҳам ўз поёнига етиб, ҳамма ёқни кўкларга буркаб юртимизга фасллар келинчаги — баҳор ташриф буюрди. Аммо кумуш фаслда ҳам таҳририятнинг муаллифларию муштарийлари ўз ижодий ишлари билан мунтазам иштирок этиб, газетамизнинг сермазмун чиқишига ҳисса қўшиб келди.

Таҳририят жамоаси қишки мавсумни сарҳисоб қилиб, фаслнинг энг яхши ижодкорлари номларини аниқлади.

Марҳамат улар билан танишинг.

Танловнинг **«Энг яхши мақола»** номинацияси бўйича кўрсатилган номзодлар орасида навоийшунос олима **Каромат Муллахўжаева**нинг 2010 йилнинг 6 февраль сонида чоп этилган **«Маънолар хазинаси»** сарлавҳали мақоласи ғолиб деб топилди. Мақолада буюк шоир ва мутафаккир, сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг ғазалларидаги уммон-уммон маънолар илмий асосланган ҳолда таҳлил қилинган. Шоир ижодига оид бир қанча янги маълумотлар келтириб ўтилган.

«Оригинал бир соатлик дарс» номинациясида Бойсун туманидаги 10-мактабнинг математика фани ўқитувчиси **Нормурод Қурбоновнинг «Kvadrat tenglama: she'riy masalalarda»** (27.01.10) сарлавҳали дарс ишланмасининг ўзига хослиги эътироф этилиб, энг кўп овоз тўплади ва ғолиб бўлди.

Ҳ.Жўраев, А.Содиқов, Р.Хўжаева, С.Тошева ва Ф.Тангриберганова томонидан ёзилган **«Қорбобо ва Қорқиз янги мактабларда»** (30.12.09) сарлавҳали қўшсаҳифа танловнинг энг **«Сермазмун саҳифа»**си номинациясида ғолиб деб топилди. Унда 2004—2009 йиллари мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида юртимиз шаҳару қишлоқларида янгидан бунёд этилган мактабларда билим олишда ўзига хос ютуқлар билан Янги йилни қарши олаётган ўқувчиларни қутлаб ташриф буюрган рамзий маънодаги Қорбобо ва Қорқизнинг замонавий мактабларда яратилган шароитлардан ҳайратлари, қувончлари қизиқарли тарзда баён этилган.

«Эзгуликка ошно кўнгил» (20.02.10) очерки қиш фаслининг **«Энг яхши очерк ёки эссе»** номинациясида ғолиб бўлди. Муаллиф Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Очил Пардаев** ўз очеркида узоқ йиллар давомида таълим соҳасида фаолият юритиб, минглаб қора кўзларга ҳаётнинг оқу қорасини танитишда ёрдам бераётган бойсунлик Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаевнинг педагогик фаолияти ва инсоний фазилатлари бадиий тасвирлардан моҳирона фойдаланиб ёзилгани билан муштарийларни ўзига жалб қилди.

«Педагог-муаллифнинг долзарб материали» номинацияси бўйича **Муҳаммад Маматвалиев**нинг **«Иш юкламасининг моҳияти ёхуд маданият манзилига олиб борувчи йўл»** (23.12.09) сарлавҳали мақоласи энг кўп овоз тўплашга муваффақ бўлди. Материалда таълим муассасаларида жорий этилган педагогик иш юкламасининг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти ва унинг мазмунмоҳияти теран таҳлил этилгани билан аҳамиятлидир.

«Dolzarb mavzu» рукни остида чоп этилган **«Боланинг бўш вақти бўлмаслиги керак!»** (24.02.10) сарлавҳали суҳбатда компьютер ўйинлари, унинг бола онгига кўрсатаётган салбий таъсири ҳамда ўқувчининг кўп вақтини олаётган турли ножоиз виртуал ўйинлар ҳақидаги педагогика фанлари доктори, профессор Шаҳноза Халилова фикрлари ёритилган. **Соҳиба Муллаева**нинг мутахассис билан уюштирган долзарб мавзудаги суҳбати **«Қизиқарли интервью, суҳбат»** номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Фотомухбир **Бурҳон Ризоқулов**нинг **«Ҳар бир бола — ўзгача олам»** (03.02) сарлавҳаси остидаги болажонларимизнинг билим олиш жараёнидаги қувончли лаҳзаларини ўзида акс эттирган сурат-лавҳалари Сизнинг ёдингизга ҳам беихтиёр болаликнинг завқли дамларини солган бўлса, ажаб эмас. Айнан, ана шу суратлар танловнинг **«Жозибали сурат»** номинацияси ғолиби, деб эътироф этилди.

Болалар билан ишлаш, уларнинг билим олиши ва тарбиясидаги уйғунликни таъминлаш муаллимларимизнинг устувор вазифаларидан бири. Муаллиф **Шаҳло Раҳмонова**нинг **«Маънавият камалаги: мазкур дастур фаолиятимизга мазмун бағишламоқда»** (23.12.09) мақоласи фаслнинг **«Самарали методик материали»** деб топилди. Бола тарбиясида маънавий-маърифий ишларнинг нечоғлик муҳимлиги, самарали методларни таълим муассасаларида жорий этишнинг аҳамияти ҳақидаги таклифлар илгари сурилган материал кўпчилик ўқитувчилар фаолиятида асқотиши билан аҳамиятлидир.

«Очиғини айтиш керак, бизда болаларнинг фикри, руҳий ҳолати билан ҳисоблашадиган ота-оналар кам учрайди», дейилади **Зилола Рустамова**нинг **«Боладаги илк ташаббус: улкан бунёдкорликка қодир»** сарлавҳали мулоҳазали мақоласида. Муаллиф эътиборни эндигина шаклланиб келаётган болаларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш масалаларига қаратган. Қандай ташаббус бўлишидан қатъи назар, боланинг фикрини бўлмаслик, ундаги дадиллик, мустақил фикрлашга бўлган иштиёқни сўндириб қўймаслик бола келажагида катта аҳамият касб этиши таъкидланади. Февраль ойининг 6-санасида эълон қилинган ушбу материал танловнинг **«Тарбияга оид амалий таклиф»** номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

«Ўқишли бадиий асар» номинациясида муаллиф **Ҳулкар Ражабова**нинг **«Сандал дардмандга даво, меҳр-муҳаббат ўчоғи экан»** (16.01.10) номли мақоласи энг кўп овоз олишга муяссар бўлди. Мақолада сандалнинг табиий хусусиятлари бадиий тарзда ёритилган.

«Воқеликка муносиб шарҳ» номинацияси ғолиби **Наргиза Иброҳимова**нинг **«Беҳаловат курраи замин ёхуд зилзила бўлишини олдиндан аниқлашга қачон эришилади?»** (16 январь) номли мақоласида табиий офатлар ичида тез-тез содир бўлиб турадиган зилзилани келтириб чиқарадиган сабаблар, уни олдиндан аниқлаш билан боғлиқ илмий изланишлар кенг тавсифланади. Муаллиф буни ҳаётий мисоллар билан тушунтириб берган.

Турли ғояларга, ўзига хос лойиҳаларга асос бўлаётган ёшлар клуби, унинг фаолияти ва вазифалари чин маънода янгилик дея эътироф этилган **Хайрулла Ҳикматов**нинг **«Фидойи ёшлар» клуби — энг яхши ғоялар, лойиҳалар пойдевори»** (06.02.10) номли материали фаслнинг **«Ўзига хос янгилиги»** деб топилди.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида таҳсил олаётган **Саидахрор Холсаидов**нинг **«Эртак эмас, экран қаҳрамонларига эргашаётган болалар»** (20 февраль) сарлавҳали мақоласи танловнинг **«Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши»** номинациясида энг кўп овоз тўплади. Мақолада талаба-журналистнинг кузатувчанлиги, мавзу юзасидан теран мулоҳазалари ҳамда ўз амалий тажрибаси асосида айта олганлигини кўришимиз мумкин.

Корейс адибаси Ҳанбиянинг «Шамол қизи» саёҳатномасидан **«Дунёни уч ярим марта яёв кезганда...»** (10—17.02.10) бобини ўзбек тилига моҳирона таржима қилган **Рахшона Тошпўлатова**нинг таржимаси **«Энг сара таржима материали»** номинациясида тенгсиз деб топилди.

Ўтган йили газетамизда «Энг яхши кроссворд» танлови ўтказилганидан муштарийларимизнинг хабарлари бор, албатта. Ушбу танловда энг яхши деб топилган **Комрон Қурбоновнинг «Radius» кроссворди** (30 декабр, 2009 йил) фаслнинг **«Мазмунли таълимий бошқотирма»**сида ғолибликни қўлга киритди.

ЎзМУ талабаси **Севара Каримова**нинг **«Дуторим чертилмай қолмасин!»** мақоласига **Пирмат Шермуҳаммедов**нинг акс-садо тарзида ёзган мақоласи (16 январь) **«Ҳозиржавоб муштарий» (Акс садо)** номинациясида ғолиб бўлди.

Дилшод Каримовнинг 13 февралда эълон қилинган **«Дўстлик ва ҳамкорлик — юксак марраларга йўл очади»** номли Республика болалар бадиий ижодиёти марказида бўлиб ўтган **«Уста-шогирд»** кўргазмасидан тайёрлаган репортажи мавсумнинг **«Энг яхши репортажи»** деб топилди.

Мана, кумуш қиш фаслида фаол ижод қилган муаллифлар билан танишдингиз. Ғолибликни қўлга киритган муаллифларимизни муваффақиятлар билан табриклаб, ижодий баркамоллик тилаймиз.

Унутманг, баҳор фасли танлови ғолиблари қаторидан Сиз ҳам жой олишингиз мумкин. Илҳомни эса, фасли баҳорнинг қийғос гулларию, қалдирғочлар овози тортиқ этади. Уйғонаётган боғлар каби сиз ҳам ўзингизни қайта кашф этинг.

Яқинлашаётган умумхалқ байрами — Наврўзи олам муборак бўлсин!

Kvant kompyuterlariga asoslangan ekspert tizimlar eng yetakchi olim va muhandislar jamoasining o'rnini bemalol bosishi mumkin. To'g'ri, jarayonda inson omilini butkul inkor etib bo'lmaydi. Negaki, ekspert tizimga beriladigan savolni ifodalab beruvchi xodimlar zarur bo'ladi.

Ma'rifat –
2010-yil 13-mart
Topildiq



Бугунги кун илм-фан оламида кўплаб турли фикр ва назариялар илгари сурилади. Эътиборлиси, баъзилари даставвал ақл бовар қилмас кўринса-да, вақт ўтгани сари уларни ҳаётга татбиқ этиш учун янги имкониятлар туғилади. Уларни таҳлил этиб эса келажак ҳаёт қандай бўлиши борасида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Жюль Верн ёки Станислав Лем каби шахслар қачонлардир келажак давр тўғрисидаги қилган ҳақиқатга яқин қатор башоратлар шундай таҳлилларга асосланган. Ҳозирда ривожлантирилиб, реаллаштириш мақсад қилинган ғоялардан бири эса бу квант ҳисоб-китоблар ва квант компьютерлари ҳисобланади.

КВАНТ КОМПЬЮТЕРЛАР:

хаёлий ғоядан реалликка қараб

ИБТИДО ВА АҚЛ БОВАР ҚИЛМАС ТАКЛИФ

Даставвал квант атамасининг ўзига тўхталиб ўтсак. Физика дарсларидан маълумки, квант — бу чиқарилиши ёки ютилиши мумкин бўлган энг кичик, бўлинмас энергия миқдори. «Нью Сайентист» нашрида ёзилишича, бундай ҳисоб-китоблар борасидаги назариянинг юзага келишига бир амалий тажриба сабаб бўлган. Унда лазер нури орқали юзага келадиган ёруғлик интерференцияси (товуш, ёруғлик ва ҳ.к. тўлқинлари устма-уст келганда бир-бирини кучайтириши ёки сусайтириши) текширилаётганди. Бунда нур тўртта жуда тор ёриқ бўлган пардевордан ўтказилиб, тўсиқнинг орқа тарафидан у алоҳида-алоҳида квантлар шаклида кузатилиши кутилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай тажриба пайтида ажойиб ҳолат юз бериши назарий тахмин қилинган. Аниқроғи, кичик миқдордаги квант билан таралаётган ёруғлик тўсиқларсиз тор ёриқлардан ўтиб, уларнинг кенглигига мос ингичка ёрқин нур шаклида намоён бўлиши зарур эди. Лекин жараён кутилганидек кечмади, натижада экранда кўринган нур чизиқлари тиниқ эмас эди. Бу, ўз навбатида, ёруғлик қандайдир тўсиққа учраб, ёйилиб кетган, дегани эди.

Аслида бу каби квант таъсирлар узоқ пайтдан бери маълум бўлса-да, тадқиқотчилар улар қатор амалий масалалар, хусусан, ўта кичик ҳажмдаги микросхемаларни яратишга тўсиқ бўлади, деган фикрда эди. 1957 йилга келиб Пристон университети профессори Хью Эверетт квант таъсирларга ўзига хос изоҳ топди. Унинг фикрига кўра, бундай таъсирларни сояли, яъни ўзга-параллел олам фотонлари вужудга келтирар экан. Бундай ёруғлик заррачалари сайёрамизда мавжуд бўлмаса ҳам фотонлар оқимида кузатилиши мумкин. Мазкур назария илм-фанда кейинчалик квант механикасининг кўп дунёликка асосланган талқини сифатида қабул қилинди.

Яна бир океан орти мутахассиси, Нобель мукофоти соҳиби ва атом тадқиқотлари раҳбари Ричард Фейманн бу назарияни янада ривожлантириб, 1982 йили бир қарашда ақл бовар қилмас таклифни илгари сурди. У Эвереттнинг кўп дунёликка таянган назариясини янги турдаги ҳисоблаш машиналарини яратишда қўллаш фикрини ўртага ташлади. Айни пайтда Фейманн физикадаги энг ғайритабиий ғоялар муаллифи сифатида эътироф этилди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бу фақат қуруқ гаплар эмас эди. Чунки олим бунгача анчагина амалий ютуқларга эришган тадқиқотчи сифатида ном қозониб улгурган. Мана, масалан, айнан Фейманн биринчи бўлиб атомларни моддий жисмлар каби бошқариш фикрини илгари сурган ва ўзининг бу ҳаракати билан нанотехнологияларга асос солган. Қолаверса, мутахассис ХХ асрнинг иккинчи ярмида илм-фан ва техника ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири бўлган.

ҚАНДАЙ ТАМОЙИЛ АСОСИДА ИШЛАЙДИ?

Хуллас, шу тариқа фантастик ғоя — параллел оламлар ёрдамида ишлайдиган ҳисоблаш машинасини яратиш таклиф этилди. Шу ўринда айтиш зарурки, гарчи бу таклиф амалга ошириб бўлмасдек туюлса-да, шу пайтгача квант компьютерларининг илк намуналари яратилиб, бир неча маротаба синаб ҳам кўрилди.

Хўш, квант ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ускуна нима ўзи? Олимларнинг таъкидлашича, бу машина квант хусусиятларга таянган ҳолда ахборотни сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш функциясига эга бўлади. Ушбу хусусиятлар эса ўз навбатида, элементар заррача, атом, молекула ва кластер (молекулалар тўплами)лари орқали намоён бўлади. Оддий компьютердан фарқли равишда янги турдагисида ахборот учун мураккаб тузилишга эга хотира ячейкаси бўлади. У ва ундаги маълумот квант бит деб аталади. Квант компьютернинг фаолиятини ташкил этувчи асосий элемент ҳам айнан шу квант бит ёки қисқача кубитлар ҳисобланди. Битга нисбатан кубит орқали ҳисоблаш амалларини бажаришга кенг имкониятлар бор, боиси бунда квант тизимнинг макони доираси қамрови каттароқ бўлади. Бундай амалларни бажаришда эса ахборот иккиламчи код, яъни бир ва ноль рақамларидан иборат шаклда квантлар ёрдамида берилади.

Технологиялар оламида лазер яратилганидан сўнг бу йўналишда изланишларда олдинга силжиш кузатилди, чунки у туфайли квант компьютерларини моделлаштириш нисбатан осонлашди. Агар квант компьютер соддароқ таърифланса, бу оддий компьютер билан лазер мужассам бўлган тизимдир. Махсус дастур ёрдамида оддий электрон ҳисоблаш машинаси лазерли нурланишни дастурлайди. Бу ёруғлик ҳар бир квантни кузатиш имконини берадиган кўзгуларда акс этади. Олинган натижалар якунда электрон ҳисоблаш машинасида таҳлил этилади. Бу квант компьютернинг ишлаш тизимининг энг содда таърифи аслида. Мазкур турдаги илк машиналар ҳам шундай тамойил асосида яратилган, аммо бугунги кун квант компьютерлари бироз бошқача тизимга эга.

«Текникал ревью» нашрида баён этилишича, ҳозирда олимлар янги авлод ҳисоблаш машинасини яратишда субатом заррачаларни бошқариш тамойилига таянадилар. Тадқиқотлар мазкур усул ниҳоятда самарали эканини амалда тасдиқлади. Бунда магнит майдонлар ёрдамида баъзи элементлар (ниобий, фосфор)нинг субатомлари бошқаруви ва магнит майдон ўзгаришига оид маълумотлар олинади, сўнгра улар ҳисоб-китоблар натижаси сифатида таҳлил этилади. Айни пайтда синовда бўлган барча квант компьютерлари шу асосда ишлайди.

Шу ўринда бир савол юзага келади: квант ҳисоблашларнинг физик моҳияти нимада? Мутахассисларнинг эътироф этишича, мазкур саволга энг асосли жавобни «Реаллик тузилиши» асари муаллифи, тадқиқотчи Дэвид Дойч бера олади. Мазкур назариянинг асл моҳиятини баён этиш анча мушкул бўлса ҳам, у квант ҳисоблаш тамойилига берган таърифни келтириб ўтиш жоиз. Унинг фикрича, «квант ҳисоб-китоблар айни кунда бошланғич босқичда холос. Аслида бу параллел оламлар ёрдамида фойдали ва самарали амалларни бажариш имконини берадиган янги технология. Квант компьютер мураккаб масалани ташкил этувчи қисмларни кўплаб параллел маконлар ўртасида тақсимлаб, сўнгра олинган натижаларни умумлаштириш хусусиятига эга бўлади».

ИЛК УРИНИШЛАР НАТИЖАСИ

Айтиш керакки, узоқ йиллар, ҳаттоки, илм аҳли томонидан квант компьютерини яратиш ғояси фақат хаёлий экани таъкидланиб келган. Бироқ 1994 йилга келиб океан ортидаги «AT&T Research» тадқиқотчилик маркази ходими Питер Шор кўп рақамлардан ташкил топган сонларни оддий бўлинувчиларга ажратиш учун қўлланиладиган махсус квант алгоритмини ишлаб чиқди. 1998 йили Калифорниядаги Беркли университети профессори Айзек Чуанг раҳбарлигида илк 2 кубитли квант компьютери яратилгани маълум қилинди. Бу ҳисоблаш машинаси тўртта йўналишда ҳисоб-китоб амалларини бажаришга имкон берган. 2007 йили эса Канаданинг «Ди-вэйв системс» компанияси амалда қўллаш мумкин бўлган дастлабки «Орион» квант компьютерини тақдим этди. Ҳозирда Ванкуверда ишлатилаётган ушбу компьютернинг тақдимоти Силикон водийсида ташкил этилган юксак технологиялар Конгрессида бўлиб ўтган. Янги авлод ҳисоблаш машиналардан бири бўлган «Орион» 16 кубитли кремнийли чип асосида ишлайди ва 65 536та йўналишда ҳисоб-китоблар амалга ошириш қувватига эга.

— Янги тизим 16 кубитли бўлиб, унинг имкониятлар доираси маълум маънода оддий компьютерлардан у даражада юқори эмас экани рост. Айни пайтда бу фақат келажак квант компьютерларининг ишлаш қувватини намойиш этувчи илк намуна эканини ҳам унутмаслик лозим, — деди Конгресс компания раҳбари Херб Мартин.

Қолаверса, у келгусида ходимлар квант компьютер қувватини ошириш бўйича изланишларни давом эттириб, бир неча йил ичида 512 ва 1024 кубитли тизимларни амалда синаб кўриш ҳам режалаштирилаётганини маълум қилди. Айни пайтда бу йўналишда иш олиб бораётган тадқиқотчилар бугунги илмий ишланмалар асосида тахминан 2020 йилга келиб квант компьютери биринчи марта сотувга чиқарилиши мумкинлигини башорат қилишмоқда.

КВАНТ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ИСТИҚБОЛИ

Агар фақат назарий томондан ёндашмасдан, амалий самара нуқтаи назаридан олиб қаралса, у ҳолда квант ҳисоб-китобларнинг истиқболи нимада кўринади? Истиқбол биринчи ўринда ҳозирда ўта мураккаб ва қайта ишлаш қийин кечадиган масалалар тўпламини ечиш билан белгиланади. Хусусан, бундай машиналар энг кўп фойда берадиган ва ҳозирда энг кўп сармоя киритилаётган соҳалардан бири бу квант криптография, яъни шифрлар яратиш ҳисобланади. Оддийроқ тушунтирилса, квант криптография туфайли юборилган ахборотнинг учинчи томон қўлига ўтишининг имкони қолмайди. Сабаби, бунда ахборот яна бошқа бир фойдаланувчи томонидан ҳам қабул қилингани дарҳол сезилади. Бунинг устига, квант компьютери томонидан шифрланган ахборот ўз манзилига етиб бормаса, автоматик ҳолда унинг тузилиши ўзгариб, тушунарсиз бўлиб қолади. Шу боис, квант криптографиясининг амалда жорий этилиши ахборий хавфсизликни таъминловчи воситалардан бирига айланиши шубҳасиз.

Квант компьютерлар кенг қўлланиши мумкин бўлган ва аҳамияти бугуннинг ўзидаёқ юқори баҳоланаётган яна бир соҳа бор. Унинг ҳисоб-китоб борасидаги улкан қуввати юксак салоҳиятни талаб этадиган турли йўналишлар фаолиятини ўз зиммасига олишга имкон туғдиради. Машина нафақат ахборотни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаши, балки бугун катта қувватга эга энг замонавий компьютерлар ҳам бажара олмайдиган операцияларни амалга ошириши мумкин. Биргина мисол: квант компьютери 250та рақамдан иборат сонни атиги ярим соатда кўпайтувчиларга ажратиши мумкин, айни пайтдаги энг яхши компьютерлар учун эса бу масалани ечиш учун 800-1000 йил керак бўлади.

Хўш, ушбу жараён қандай кечади? Квант компьютерлар мутлақо янгича эксперт тизимларини яратиш имконини беради. Эксперт тизим бир ёки бир нечта экспертларнинг амалий билим салоҳияти, шунингдек, қарор қабул қилишдаги мантиқий билимларидан фойдаланишга қаратилган бўлади. Бу каби тизим етарлича вақт, тажриба, билим ва ахборот бўлмаган оғир шароитда асосли қарор қабул қилиш учун мўлжалланган. Бунда компьютерга киритилган саволга малакали консультация ёки зарурий йўл-йўриққа асосланган жавоб олиш мумкин. Аслида эксперт тизимларини яратишга ҳаракат ўтган асрнинг ўрталарида бошланган. Ҳозирда кўпинча бу йўналишдаги ишлар сунъий интеллект (ақл) яратиш тадқиқотлари деб ҳам юритилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, илк моделлар 1970 йилларда амалда синалган экан. Масалан, «MYCIN» тиббиётда касалликларни ташхислаш, «DENDRAL» эксперт тизими эса тупроқ кимёвий таркибини таҳлили этиш учун фойдали қазилмалар конини топишда қўлланилган. Аммо одатий компьютердан қуввати анча баланд бўлган квант компьютер тўпланган билим ва алгоритмларни ҳар томонлама ҳамда кенг қамровда ишлатиш функциясига эга бўлади. Квант компьютерларига асосланган эксперт тизимлар энг етакчи олим ва муҳандислар жамоасининг ўрнини бемалол босиши мумкин. Тўғри, жараёнда инсон омилини буткул инкор этиб бўлмайди. Негаки, эксперт тизимга бериладиган саволни ифодалаб берувчи ходимлар зарур бўлади.

Умуман олганда, ҳозирги эксперт тизимлар хотирасида улкан ҳажмдаги ҳар хил техник маълумотлар — материал, машина, ишлаб чиқариш ускуналари ўлчами ҳамда стандартлари ва бошқалар сақланади. Шунингдек, минглаб энг яхши мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган турли вазиятлар учун ечимлар алгоритмлари ҳам бор. Улардан фойдаланиш учун бирон-бир, масалан, функциялари аниқ белгиланган техник қурилмани йиғиш борасидаги савол киритилади. Тизим юқори малакали мутахассислар гуруҳи амалга ошириши мумкин бўлгани каби машина тузилишини ишлаб чиқади ва тайёр чизмаларни намойиш этади. Қолаверса, уларда мавжуд материаллар ва ишлаб чиқариш имкониятлари ҳам ҳисобга олинади.

Квант компьютерларига таянган бундай тизимларни жорий этиш техника оламида улкан бурилиш ясаши рост. Сабаби, натижада янги турдаги машиналарни ишлаб чиқиш вақти бир неча баробарга камаяди, турли техник ва конструкторлик масалаларига ечим топилади, мутахассислар ишларини орқага тортувчи стереотиплар барҳам топади. Йирик ҳажмдаги ахборот, минглаб олимларнинг фикрлаш қобилиятини ўзида мужассам этган, бунинг устига тинимсиз ишлаши мумкин бўлган бу янги авлод компьютерига ҳеч бир олимлар жамоаси тенг келолмаслиги ҳам бор гап. Бир сўз билан айтганда, квант компьютерининг яратилиши кўплаб муаммо ва масалаларни осонроқ, тезроқ ва кам харажатли равишда ечиш имконини беради.

Наргиза ИБРОҲИМОВА,
Ботир ҲАМИДОВ
тайёрлади.

Mualliflar xulosasiga ko'ra, baholarni anglatadigan harflar o'quvchilarning ruhiy holatiga ma'lum ma'noda ta'sir o'tkazadi.

КОЛЛАЙДЕР НАВБАТДАГИ ТАЖРИБАЛАРГА ТАЙЁР

Айни кунда Женева яқинидаги Европа ядро тадқиқотлари маркази (ЕЯТМ)да ишлаб турган дунёдаги элементар зарраларнинг энг катта тезлаткичи катта адрон коллайдери (УАК) янги рекорд ўрнатиши эҳтимолдан холи эмас. Сабаби, унда протонларнинг урилиши натижасида юзага келадиган энергия даражаси бундан аввал қайд этилганидан ҳам анча юқори бўлиши кутилаяпти, деб хабар берди popsci.com.



Франция ва Швейцария чегарасида, 100 метр чуқурликда жойлашган коллайдердаги энергияни олимлар 7 тераэлектронвольт (ТЭВ)гача етказиш ниятида. Марказ директори Ральф Хойернинг таъкидлашича, ўтган йили декабрда коллайдер бошқа тизимга ўтказилиб, шу йил февраль охирида қайта ишга туширилган. Эндиликда мазкур фаолият тизимида УАК яна икки йил ишлайди. 2013 йили эса бундан-да кучлироқ қувват билан ишга туширилади. Айни пайтда бу илмий тажрибаларни амалга ошириш учун 3 йил кутиш керак, дегани эмас. Мутахассиснинг фикрича, жорий йил охиридаёқ қатор физик янгиликлар амалга оширилиши кутилмоқда. Аниқроғи, зарраларнинг урилиши жараёни таҳлиллари асосида тадқиқотчилар материя сир-синоатларини батафсил ўрганиш, шу пайтгача кузатилган энергиядан-да юқорисига эришишни мақсад қилганлар.

Агар ҳаммаси кутилганидек кечса, олимлар бу борадаги илмий тахминлардан бири — 13 миллиард йил илгари содир бўлган улкан портлашдан кейин кузатилган ҳолатни сунъий равишда ҳосил қилишга муваффақ бўлишади. Шу билан бирга, УАК ёрдамида тадқиқотчилар элементар заррачалар массасини белгилайдиган Хиггс бозони (заррачаси)ни ҳам аниқлашга умид боғлашмоқда.

ЯНГИ СУРАТЛАР ОЛИНДИ

«ВАЙС» («WISE») телескопи ёрдамида P/2006 HR30 кометасининг янги суратлари олинди, деб ёзади «Сайнс» нашри. Айни пайтда мазкур самовий жисм Қуёш томон ҳаракатланиб, унинг «думи» тахминан 15 километрга чўзилган. Телескоп инфрақизил кенгликда ишлагани боис ортиқча қийинчиликларсиз кометани кузатиш имкони туғилган.



Шунингдек, телескоп Андромеда галактикасини ҳам суратга олишга муваффақ бўлган. Маълумот ўрнида айтиш зарурки, Андромеда Ердан 2,5 миллион ёруғлик йили масофада жойлашган ва бизга энг яқин катта галактика ҳисобланади. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. «ВАЙС» телескопи орқали яна сайёрамиздан 60 миллион ёруғлик йили узоқликдаги Ўчоқ номли галактик жамланма ҳамда NGC 3603 юлдузлар фаол ташкил топадиган самовий ҳудуд тасвирлари ҳам олинди.

30 ЙИЛ ЙЎҚОЛИБ КЕТГАНЛАР ТОИФАСИДАН ЭДИ

Австралиялик олимлар Янги Жанубий Уэльсдаги хусусий ҳудудда тахминан 100та олачипор тилларанг қурбақалар (Litoria castanea)ни топишган. Эътиборли томони, ушбу турдаги жониворлар сўнгги 30 йил давомида йўқолиб кетганлар тоифасига киритиб келинаётганди, деб маълум қилди АП.

Фақат Австралияда яшайдиган бу қурбақаларни аслида бундан икки йил олдин Янги Жанубий Уэльс штати маъмуриятининг камёб турдаги балиқлар муҳофазаси учун масъул мутахассиси Люк Пирс кўрган. Эндиликда эса бир гуруҳ олимлар ҳайвонларнинг борлигини расмий равишда тасдиқлашди.

— Деярли 30 йил давомида ҳеч ким кўрмаган ва профессионал тадқиқотчилар томонидан йўқолиб кетган, дея эътироф этилган турдаги жонзотларни аниқлаш, албатта, ижобий ҳолдир, — деди бу ҳақда штатнинг Иқлим ўзгариши департаменти ходими Дейв Хантер. — Ўз навбатида, мазкур ҳолат бу каби кўплаб ҳайвонлар йўқ бўлиб кетган эмас, балки биз шунчаки уларни тополмай ёки сезмай қолганимиздан дарак, деб умид қилишга замин яратади.

Қолаверса, қурбақалар топилган ҳудуд эгаси уларни ҳимоя қилиш учун кўмаклашишга тайёр эканини билдирган. Айни пайтда маҳаллий ҳукумат вакиллари ушбу камёб турдаги жонзотлар топилган ҳудудни аниқ айтмаяпти. Боиси, шу йўл билан уларни ноқонуний овчилар ва қизиқувчан одамлардан ҳимоя қилиш мумкин. Мутахассислар келгусида қурбақаларни ёввойи табиатда ҳам кўпайтириш мақсадида ҳозирча уларни Сиднейдаги Таронга ҳайвонот боғида боқишга қарор қилдилар.

ТАРМОҚЛАРДАГИ МИСЛСИЗ ТЕЗЛИК

Жоржия (АҚШ)даги Технологик институтнинг кимёгар олимлари томонидан ишлаб чиқилган ишланма ёрдамида компьютерлар учун тўлиқ оптик тизимни жорий этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, янги тармоқ ичидаги маълумотларни 2 терабит ёки 2000 гигабит тезликда узатиш имкони туғилади, деб хабар берди «Текноложи Ревью» манбаси.



Аслида мазкур амалларни тармоқдаги нурли сигнални электр турдагисига алмаштирувчи маршрутизатор амалга оширади. Жараёнда у маълумотларни қайта ишлайди, сўнг сигнални қайтадан оптик турдагига ўзгартириб, ахборотларни жўнатиш лозим бўлган манзилга юборади. Бу, албатта, вақт талаб этади.

Мутахассислар мазкур амални қандай тезлаштириш мумкин, деган саволга жавоб топиш мақсадида амалий тажриба ўтказдилар. Улар маршрутизаторнинг ўзи ҳам оптик бўлса, сигнални ўзгартиришга ҳожат қолмай, бунинг ҳисобига тармоқдаги тезлик ошишини амалда синаб кўрдилар. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ҳозирда амалда бўлган маршрутизаторлар ичида энг яхшиси 40 гигабитдан юқори бўлмаган тезликда ишлайди.

Шу орқали мутлақо ўзгача усулда ахборот алмашиш имкони туғилади. Бунда, хусусан, сигналлар молекуляр даражада қабул қилиниб, уларнинг қайтиши алоҳида-алоҳида молекула орқали кечади. Тадқиқотчилар ушбу технология яқин беш йил ичида тўлиқ ишга тушиши ҳақида ҳам маълум қилишди.

МАХСУС ТАВСИЯЛАР ТАЙЁРЛАНДИ

АҚШда семиришга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқувчи махсус давлат комиссияси шифокорларга мактаб ёшидаги ўқувчиларда мазкур муаммонинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиб чиқишга чақирди.



Бундан ташқари, махсус тавсия ҳам тайёрланди.

Тавсияда таълим муассасаларида тўладан келган ўқувчиларга спорт билан кўпроқ шуғулланиш имконияти берилиши қайд этилган. Бундан ташқари, улар учун вазн ташлашга ёрдам берадиган парҳез ҳам тавсия этиляпти. Лойиҳа муаллифларининг айтишича, шу орқали ортиқча вазинга эга бўлган ўғил-қизлар муаммолардан фориғ бўлиши мумкин.

Хабарингиз бўлса, океан ортида мактаб ёшидаги, ҳаттоки мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиган болалар ҳам ортиқча вазндан азият чекиш ҳолатлари охирги йилларда анча кўпайган.

Олимлар мазкур вазиятни бир неча омиллар билан асослашади. Биринчидан, америкалик болалар "носоғлом овқатлар" — махсус усулда қовурилган картошка, фаст-фуд маҳсулотлари ва турли ярим тайёр таомларни яхши кўрадилар. Иккинчидан, АҚШлик ёшлар фавқулодда кам ҳаракатланади, уларнинг асосий вақти қўлида "поп-корн" ёки ширинликлар билан телевизор ёки компьютер экрани қаршисида, ўтади. Учинчидан, улар ниҳоятда катта миқдорда ширин, газланган ичимликларни истеъмол қиладилар.

Ушбу сабаблар биргаликда нафақат семириб кетишга, балки диабет билан касалланишга ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам сўнгги пайтларда Америкадаги кўплаб мактабларда овқатланиш рациони ўзгартирилган. Қолаверса, айрим билим масканларида чипс ва ширин сув сотиш тақиқлаб қўйилган.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

"A" — АЪЛО, "F" — FABFO

Маълумки, айрим давлатлар таълим тизимида баҳолаш ҳарфлар ("A"дан "F"гача) ёрдамида олиб борилади. Яқинда психологлар шунга боғлиқ ажойиб ҳолатни аниқладилар. Уларнинг айтишича, ўқувчилар имтиҳондан олдин балларни англатадиган ҳарфларни бошқа матнда кўриб қолишса, бу уларнинг омадига "таъсир қилар" экан, деб ёзади "Эдукейшнл Психоложи" журнали.



Бунинг учун Миссури штати университети олимлари мактаб болаларига ассоциация (тасаввур, ҳиссиёт, фикр ва шу кабиларнинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши)га оид мантиқий тестлар беришди.

Топшириқ варақалари мос равишда "A" ва "F" ҳарфи билан белгиланди. Хабарингиз бўлса, Fарбда "A" энг юқори, "F" эса энг паст балл сифатида қабул қилинган. Буни қарангки, "A" ҳарфи билан белгиланган варақадаги мантиқий масалаларни ечган иштирокчилар 12 баллик имкониятдан 11,08 жамғарган бўлсалар, "F"чилар 9,42 балл йиға оладилар.

Кейинги сафар баҳони англатмайдиган "J" ҳарфидан фойдаланилди. Натижа эса иккинчи, яъни "A"чилардан паст, "F"чилардан юқори бўлди.

Муаллифлар хулосасига кўра, баҳоларни англатадиган ҳарфлар ўқувчиларнинг руҳий ҳолатига маълум маънода таъсир ўтказади. Бу эса уларнинг кўрсаткичларида ўз аксини топар экан. "Сабаби, имтиҳон ёки назоратлар олдидан "A" (яхши баҳо)ни кўрган ўқувчининг кайфияти ҳам яхшиланиб, уни юқори натижалар сари руҳлантирса, йўлидан "F"(ёмон баҳо) чиққанлар бор кучи билан муваффақиятсизликдан қутулишга ҳаракат қилишади", деди тадқиқотчилар вакили.

Н.ҚОСИМОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси меҳнат фахрийси

Куванишбай ЎТАНИЁЗОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти жамоаси институт ходими

Ҳафиза ИСАНОВАнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси, касаба уюшма қўмитаси ва иқтисодиёт факультети жамоаси «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси катта ўқитувчиси Алишер Назаровга онаси

МАЙРАМХОН АЯнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУСИҚА — ИНСОННИ ТАРБИЯЛОВЧИ ВОСИТА

«Агар сен санъатдан баҳра олмоқчи бўлсанг, бадиий тарбияланган бўлмоғинг лозим» деган эди буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий. Эстетик тарбиянинг таркибий қисми бўлган мусиқий онг ёш авлод маънавиятини шакллантиришда муҳим восита эканлигини Узун туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Ўрол Муродов ўз тажрибасидан яхши билади. Жонли ижро ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ўрол Муродов ўқувчилар қизиқишларидан келиб чиқиб, ҳар бир дарсда бирорта техник воситани қўллашга ҳаракат қилади.

Таниқли яккахон хонанда, ижодий гуруҳ, хор, мақом, оркестр жамоалари ижросидаги куй-қўшиқларни болалар қизиқиш билан тинглашса, муаллим хурсанд бўладики, демак, улар ДТС асосида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлмоқда. Мусиқа фани хонасида унинг ташаббуси билан 100дан ортиқ қўшиқлар матни мавжуд. Ўқувчилар турли характер ва жанрдаги мусиқа асарларини тинглаш ва куйлаш билан бир қаторда хилма-хил чолғу асбоблари билан ҳам танишади. Мактабда намунавий ўқув кўргазмалар тайёрлаш тажрибаси бўйича унинг бир қанча услубий мақолалари туман, вилоят газеталарида эълон қилинган. «Бошланғич синфларда мусиқа ўқитилишида учрайдиган айрим муаммолар ечими», «Мусиқанинг болалар ахлоқига ижобий таъсири, мактабда бадиий ҳаваскорлик тўгарагини ташкил этиш» деб номланган услубий мақолаларида Ўрол Муродов ўз ҳамкасбларига маслаҳат ва йўл-йўриқлар берган.

1993 йилдан бери ушбу таълим даргоҳида фаолият кўрсатиб келаётган муаллим мусиқа фанини ўқитиш билан бир қаторда «Вокал», «Хор», «Ёш чолғучилар» тўгаракларини ҳам ташкил қилди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан туман ва вилоят миқёсидаги мактаб ўқувчилари Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамларида ўз дастурларини намойиш этиб келмоқдалар. Ушбу концерт дастурларида қадим Сурхон воҳасининг ўзига хос қўшиқ, лапар, терма ва аллалари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Байрам ва маросим мусиқалари, тўй қўшиқлари — ёр-ёр, лапарлар, аллалар, табиатнинг уйғониши билан боғлиқ қадимий тароналарни болалар катта қизиқиш билан ўрганадилар. Айни пайтда ўқувчиларни Европа мусиқа маданиятидан хабардор қилиш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади. Оркестр, хор, қасида, кантата, опера, балет, мусиқали драма, комедия, оперетта, дуэт, мусиқали эртак, рақс каби жанрлар ҳақида ўқувчиларнинг тушунчаси шакллантирилмоқда.

Миллий мусиқани мумтоз ашулаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқувчиларда мумтоз мусиқага меҳр уйғотиш мақсадида Ўрол Муродов ўз дарсларида Фарғона — Тошкент, Хоразм — Бухоро, Қашқадарё — Сурхондарё воҳаси ашулаларидан намуналар қўйиб эшиттиради. Мақом йўлидаги ашулалардан ўзи ҳам ижро этади.

Туман марказий маданият уйида «Райҳон» халқ бадиий дастаси фаолият кўрсатмоқда. Ўрол Муродов ана шу жамоани 2000 йилдан бери бошқариб келади. Бу ерда санъатга қизиқувчи мактаб, коллеж ўқувчилари ўз бўш вақтларини мазмунли ўтказишади. Ушбу ансамблда ўз бадиий ҳаваскорлик қобилиятини шакллантирган ёшлардан бир қанчаси кейинчалик махсус мусиқий маълумот эгаллаб, бугунги кунда мамлакатимизда санъат соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ta'lim fidoyilari

Уларнинг барчаси Ўрол Муродовнинг ўзларига устозлик қилганлигини мамнун бўлиб таъкидлайди.

Олий тоифали ўқитувчи Ўрол Муродов ҳар бир инсоннинг ҳаётида мусиқа катта тарбиявий характерга эга, деб билади. У кўпинча ўз машғулотларида битта фикрни такрорлайди: «Мусиқа илми шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган инсонлар хулқини тартибга келтиради. Мукаммалликка етмаган хулқни комилликка етказди. Бу илм тана саломатлиги учун ҳам фойдалидир».

— Мусиқий жиҳатдан саводхон бола дидсизлик, ғоясизлик, тубанлик, дангасалик иллатларидан нари бўлади. Уларда атроф-муҳитга нисбатан эътибор, ўртоқлари, устозлари, ота-оналарига нисбатан ҳурматнинг шаклланишида ҳам мусиқа дарсларининг аҳамияти катта. Шу боис, ҳар бир дарсда ўқувчиларимга мусиқага оид қандайдир янгиликни тақдим этишга ҳаракат қиламан, — дейди Ўрол Муродов.

Набижон РАҲМАТОВ,
журналист

МАТЕМАТИКА — АНИҚ ФАНЛАР ДУНЁСИ

...Математика дарси бошланди. Бугун оралиқ назорати. Устоз синф тахтасига саволларни ёзиб қўйди. Вазифа айрим ўқувчиларга мураккаброқ туюлди шекилли, кўпчиликнинг боши қотган. Аммо бир ўқувчи топшириқни олган ҳамоноқ ҳеч иккиланмай, уни бажаришга киришган.

Дарвоқе, Асатбой Номозовнинг ўқувчилик давриданоқ математика фанига қизиқиши бўлакча эди. Унинг фан олимпиадасининг вилоят босқичида биринчи ўринни қўлга киритганида устози «Сендан яхшигина математика ўқитувчиси чиқади», дегани ҳам бежиз эмасди.

Одатда, буюк кашфиётлар тунда туғилади, дейишади. Деразадан ташқарида қоронғулик ҳукмрон. Ҳамма уйқуда. Асатбой шам ёруғида оппоқ қоғоз қоралайди. Аввал мураккаб формулани ёзиб чиқади, сўнгра унинг содда ечимини топади. «Математикадан масалалар тўплами» китоби унга энг яқин ёрдамчи. Ҳар қандай мураккаб масалани ечишда бу китоб унга суянчиқ.

Ўғлининг бу иқтидорини пайқаган отаси уни 1978 йили Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетига бошлаб борди. Асатбой имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, устозлари юзини ёруғ қилди. У 1983 йилда университетни тугатгач, Қўшработ туман халқ таълими бўлимига қарашли 48-мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. У бу ерда кўплаб яхши инсонларни кўрди, улар тажрибасини ўрганди. Кўп ўтмай, Қўшработ туман халқ таълими бўлими Асатбойни ҳарбий таълим методистлигига ишга қабул қилди.

Мазкур мактаб яқинда замонавий кўриниш касб этди. Олдинига янги мактаб биноси қад кўтарган бўлса, сўнгра спорт зали ва мажлислар зали ҳам янгидан қуриб битказилди. Бу билим маскани тумандаги математика фанидан энг кучли 10та мактаб сафидан ўрин олган бўлиб, «Ёш математиклар», «Ёш шахматчилар» каби тўгаракларда иқтидорли ўқувчилар кўп.

— Ўзим математик бўлганим туфайли, қайсидир ўқувчининг бу фанга меҳр қўйганлигини эшитсам, хурсанд бўламан, — дейди Асатбой Номозов. — Бутун дунё аниқ математик формулалар асосида яратилган. Уни билишгина эмас, англаш учун ҳам бу фанни ўрганиш керак. Оламга машҳур қомусий олимларимизнинг аксарияти математикани чуқур билган, кашфиётлар қилган. Бугунги ёшлар ўша буюк бобокалонларимизнинг муносиб давомчиларидир. Яратилган имкониятлардан математик ҳисоб китоб билан, самарали фойдаланишса, улар ўша боболаридек даражага эришишлари мумкин. Фақат ишонч ва қатъият билан ҳаракат қилиш керак.

Ўқитувчи доимо ҳаракатда. У нафақат ўқувчилари, балки бутун юртимиз ёшлари орасидан мамлакатимиз довруғини янада дунёга таратадиган математиклар етишиб чиқишига ишонади.

Ҳулкар ФАРМОН қизи,
"Ma'rifat" мухбири

Xotira — muqaddas

ШАХСИ — ИБРАТ, ИЖОДИ — САБОҚ

Ўзбекистон диёри нафақат Шарқ, балки бутун дунё цивилизацияси бешикларидан бири эканлигини жаҳон олимлари тан олмоқда. Бу ерда буюк олиму мутафаккирлар, сиёсатчи, алломалар яшаб ижод этган, улардан бой ва бетакрор илмий мерос қолган. Олимларнинг сарҳисобига кўра, бу соҳада республикамиз жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Бу йил иқтисодиёт соҳасида етук олимлардан бири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Саидаҳмад Ғуломов ҳаёт бўлганида 100 ёшга тўлган бўларди.

Саидаҳмад Ғуломов 1910 йил 15 мартда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топди. 1930 йилдан Ўрта Осиё режа-иқтисодиёт институтида ўқиди ва бир вақтнинг ўзида (кадрлар етарли эмаслиги туфайли) ТошМИ, сўнг Қишлоқ хўжалик институтида иқтисодиёт фанидан дарс бера бошлади. 1945 йилдан юридик институтида ўқитувчилик қилди.

С.Ғуломовнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий ва жамоатчилик фаолияти Тошкент молия институти, кейинчалик Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги иқтисодиёт университети) билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди. Домланинг ташаббуси билан "Халқ хўжалиги ва иқтисодий таълимотлар тарихи" ("Иқтисодий тарих") кафедраси очилди ва ўзи бир неча йиллар давомида унга раҳбарлик қилди. Ушбу кафедрада малакали кадрлар билан ишлаш, ўқув жараёнини намунали ташкил этиш, ўқув-услубий дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш яхши йўлга қўйилди. Кафедра республикамизда, ҳатто минтақада ягона бўлгани сабабли иқтисодиёт фанининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган "Иқтисодиёт тарихи" ва "Иқтисодий таълимотлар тарихи" фанларини ўқитиш, услубий ва илмий ишлар олиб бориш, шу соҳадаги илмий ва педагогик кадрлар тайёрлаш марказига айланиб қолди.

Саидаҳмад Ғуломов 1975 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, профессорлик илмий унвонига ҳам эга бўлди.

Олимнинг илмий ишларида мамлакатимизнинг аграр муносабатлари, кооперация, бозор муносабатларига ўтиш, нодавлат мулкчиликни ривожлантириш каби долзарб муаммолар таҳлил этилади, умумлаштирилади ва назарий ҳамда амалий хулосалар чиқарилади. Домла учта монография, иккита йирик ўқув қўлланма, кўплаб илмий рисола ва мақолалар муаллифи ҳамдир. Битта китоби хорижда (Японияда) чоп этилган. "Чет эл мамлакатларининг иқтисодий тарихи" ўқув қўлланмаси бевосита С.Ғуломов раҳбарлигида яратилган ва шу соҳадаги биринчи йирик китоб ҳисобланади.

Домла иқтидорли ёшларни, албатта, қўллаб-қувватларди. Иқтисодий тарих соҳасида катта олим сифатида ўз илмий мактабини яратган жонкуяр олим бу соҳага кўплаб ёшларни жалб этди. У кишининг бевосита раҳбарлиги остида бир неча фан доктори ва фан номзоди етишиб чиқди. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида устоз асос солган кафедрада 1985 йилдан буён аспирантура ва докторантура фаолият кўрсатиб келади. Кўплаб ёш олимлар шу ерда таҳсил олиб, илм ва педагоглик оламига кириб бормоқдалар.

Кафедра қошида очилган "Иқтисодий мерос ва жаҳон тажрибаси" илмий лабораториясида "Ўзбекистон иқтисодиёти ва иқтисодий тафаккур тарихи" муаммолари устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кафедра аъзолари томонидан Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий каби ўнлаб мутафаккирларнинг иқтисодий мероси тўғрисида дастлабки маълумотлар тайёрланди ва эълон қилинди. Университет магистратурасида "Ўрта Осиё мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари" фани ўқитилмоқда. Қисқаси, устоз орзулари рўёбга чиқмоқда, ишлари шогирдлари томонидан самарали давом эттирилмоқда.

Устоз билан елкама-елка ишлаган кўпгина олимлар унинг ажойиб инсон, йирик олим, моҳир ташкилотчи эканлигини эҳтиром билан тилга оладилар, у кишининг ҳаёт йўли ниҳоятда ибратли эканини эътироф этадилар.

Талабалар, ёш ўқитувчилар билими ва тарбиясига катта ҳисса қўшган С.Ғуломовнинг баракали фаолияти ҳисобга олиниб унга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвони берилган.

Саидаҳмад Ғуломов умр йўлдоши Мунаввархон ая билан икки ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказди. Ота изидан келаётган ўғиллар — Саидаҳрор ва Саидасрор — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларидир, қизи Ферузахон эса фан номзоди, доцент.

— Ҳаёт — кураш, зафар ва мағлубиятдан иборат, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов. — Иродаси мустаҳкам, бағрикенг устозларимиз курашларда мард, танти, рақибига ҳам марҳаматли бўлишнинг олижаноб намуналарини кўрсатганлар. Шахси ва ибрати — ҳиммат, ижоди — сабоқ бўла олган Саидаҳмад Ғуломов ҳаёт йўли баркамол авлод қалбида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, буюк аждодларимизнинг маънавий-маърифий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтиришда катта хизмат қилишига ишончимиз комил.

Турсунбой РАШИДОВ,
ЎзРФА академиги,
Суннатулла РИЗАЕВ,
ТДИУ профессори,
филология фанлари доктори

Ma'lumotlarga qaraganda, ajoyib sportchi Mixael Shumaxer yana o'z omadini sinash uchun Arabiston yarim oroliga tashrif buyurgan.

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР — МИЛЛАТ КЎРКИ

Жорий йилнинг 12 март куни Республика Олимпия шон-шухрати музейида «Баркамол авлод тарбиясида миллий спорт ўйинларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти, Кураш халқаро ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Тадбирда бугун юртимизда фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун зарур барча имконият ва шароитлар яратилгани эътироф этилди. Айниқса, 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спортни, жумладан, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар қайси шаҳар ва қишлоқда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт мураббийлари билан таъминлаш масалалари кенг ўрин олганлиги, шунингдек, Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда мутасаддi вазирлик ва идоралар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, спортчилар, талабалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Шаҳина ЖЎРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

«ОРЗУЛАР РЎЁБИ — ОЛҒА ИНТИЛИШДА»

Сергели туманидаги 301-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Сардор Қурбоналиев спортнинг каратэ ва муайтай тури билан шуғулланиб, нафақат ота-онаси, балки маҳалласи, мактаб ва мураббийларининг ҳам ифтихорига айланмоқда.

Faxr

Умидли ёш спортчи 2007 йили «Камолот» ЁИҲ томонидан ўтказилган ёш спортчилар мусобақасида қатнашиб, республика чемпиони номига муносиб топилган. 2008—2009 йилларда спортнинг бу тури бўйича ёш ўсмирлар орасида ўтган бир қатор республика мусобақаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринлар совриндорига айланди. Сардор шу тариқа устоз-мураббийлар билдирган ишончни оқлаб келяпти. Қаҳрамонимизнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун тинимсиз изланаётгани барчамизни қувонтирди.

— Спортга меҳр қўйишимда отамнинг ҳиссаси катта, — деди Сардор Қурбоналиев. — Отам болалигимдан спортга бўлган қизиқишимни шакллантирган илк устозимдир. Бўш вақтимда кўпроқ бадиий адабиётлар ўқийман. Спорт менга жисмонан соғлом бўлишимда ёрдам берса, китоблар маънан етук бўлишимга кўмак беради. Мураббийларим — Баҳром Юнусов, Шерзод Абдуллаевга ҳавас қиламан. Келгуси мусобақаларда юксак натижаларга эришиб, қитъа ва жаҳон чемпионатларида қатнашиш ҳамда уларда Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишни орзу қиламан.

Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар бир тирик жон соғ-саломат бўлиши билан бирга мафкуравий жиҳатдан ҳам бақувват бўлиши талаб этилади. Таъбир жоиз бўлса, шу каби давр мезонлари асосида ёш спортчи ҳозирда информатика, математика ва инглиз тили бўйича билимларини мустаҳкамлаш билан банд. Унинг гапларига қараганда, спорт фақат ва фақат олдинга ҳаракат қилишни ўргатаркан. Сардор ёш бўлишига қарамай, бир неча медаллар соҳиби экани бунинг исботидир.

Камола ИСМОИЛОВА

САЛОМАТЛИК УЧУН СПОРТ, СПОРТ УЧУН САЛОМАТЛИК МУҲИМ

«London — 2012»

Спортчининг ҳар қанча мусобақа давомида ўз маҳоратини тўла намойиш қилиши кўплаб омилларга боғлиқ: яратилган шароит, кўрилган тараддуд, ирода. Уни муваффақият сари етакловчи муҳим омиллардан яна бири, шубҳасиз, спортчининг жисмоний тайёргарлиги, яъни саломатлигидир.

2009 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ташаббуси билан Тошкентда мамлакатимиз спорт тиббиёти тарихида илк бор «Спортда юксак натижаларга эришишда тиббиёт ҳолати масалалари ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилгач, бу борада олдинда бажарилиши лозим бўлган вазифалар борлиги туфайли айни мавзуга яна қайтишга эҳтиёж туғилди.

10 март куни Миллий олимпия қўмитаси Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, республика врачлик-жисмоний тарбия диспансери ҳамкорлигида юртимиз вакилларининг 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўришларига бағишлаб, «Спортчиларнинг юксак натижаларга эришишида тиббий таъминланганликнинг ўрни» мавзусида навбатдаги илмий-амалий анжуманини ўтказди. Унда мамлакатимиз спорт федерацияларининг шифокорлари, республика врачлик-жисмоний тарбия диспансери мутахассислари, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт педиатрия институти вакиллари соҳага оид йигирмага яқин маърузалари билан иштирок этди.

Илмий-амалий анжуман якунида мутахассисларга сертификатлар топширилди.

Шерали НИШОНОВ

ДИҚҚАТ!!! КУРСДОШЛАР УЧРАШУВИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) физика факультети "Физика-электротехника" бўлимини 1969 йилда тугатган талаба-қизларни 2010 йил 20 апрель соат 10:00да курсдошлар учрашувига таклиф этамиз. Учрашув жойи Тошкент давлат педагогика университети бош биносининг олд томонида.

Тел: +99890 106-55-73. Ҳакима Жўраева, Замира Мадалиева.

Тошкент давлат техника университети «Геология ва кончилик иши» факультети томонидан 2006 йили Аширов Юнис Неъматович номига берилган N 0749 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



"СТАНДАРД" ИЛК УЧРАШУВДАЁҚ...

"Кўҳна қитъа" яшил майдонларида Европа Лигаси 1/8 финал учрашувларининг дастлабки тўқнашуви бўлиб ўтди. Унда чорак финал тақдирини деярли ҳал қилишга улгурган жамоалар ҳам бор, десак бўлади.

Ана шундай қизиқарли матчлардан бири Италиянинг Турин шаҳрида ўтказилди. "Ювентус" ўз уйида инглизларнинг "Фулхэм"ини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бельгиянинг "Андерлехт" клубини қабул қилган "Гамбург" (Германия) ҳам меҳмонлар дарвозасини 3 марта ишғол этди, якуний ҳисоб — 3:1. Грекларнинг "Панатинаикос" жамоаси ўз майдонида "Стандард Льеж"га 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Испаниянинг "Валенсия"си эса немисларнинг "Вердер" клуби билан ўтказилган курашда муроса кўчасини танлади — 1:1. Португалиянинг "Бенфика" жамоаси ўйин якунланай деган бир вақтда ғалабадан қуруқ қолди, "Марсель" (Франция) ҳисобни (1:1) тенглаштирди. Кейинги вақтларда "кетмони учмай" қолган "Ливерпуль" сафарда "Лилл"га (0:1) ютқазди. "Атлетико Мадрид" ва "Спортинг" (Португалия, Лиссабон) матчида дарвозалар "безовта" (0:0) қилинмади. Қозоннинг "Рубин"и эса "Вольфсбург" (Германия) билан дуранг (1:1) қайд этди.

БАҲРАЙНДА — ЯНГИ МАВСУМ

"Формула-1" таснифидаги машиналар иштирокида бўлиб ўтадиган автопойга бўйича 61-жаҳон чемпионати 12—14 март кунлари Баҳрайнда бўлиб ўтиши маълум қилинди. Бугун старт оладиган кимўзар аллақачон тезлик иштиёқмандлари диққат марказига тортилган.



Маълумотларга қараганда, ажойиб спортчи Михаэль Шумахер яна ўз омадини синаш учун Арабистон ярим оролига ташриф буюрган. Ундан ташқари, «Макларен» ва «Феррари» жамоалари етакчилари, британиялик чемпионлар дуэтини ҳосил қилган Льюис Хэмилтон ва Женсон Баттон, русларнинг 1-рақамли пойгачиси Виталий Петров ҳам 2010 йилдаги дастлабки йирик мусобақада қатнашиши кутилмоқда. Бундан бир йил олдин Баҳрайнда Баттон зафар қучганди. Умуман, энг биринчи Гран-прида 2004 йили Михаэль Шумахер олтин медаль соҳиби бўлганди. Ундан сўнг икки бора Алонсо (2005, 2006) ва Масса (2007, 2008) шоҳсупага кўтарилди.

ДРОГБА — АФРИКАДА ТЕНГСИЗ

Лондоннинг «Челси» футбол клуби ва Кот-д'Ивуар терма жамоаси ҳужумчиси Дидье Дрогба Африка қитъасининг 2009 йилдаги "Энг яхши ўйинчиси" деган номга мушарраф бўлди, дея хабар тарқатди "Рейтер" ахборот агентлиги.

Қитъанинг энг нуфузли унвонларидан бири машҳур қора танли футболчига туғилган кунига совға тариқасида тухфа қилинди. Боиси, Дрогба 11 март куни ўзининг 32-баҳорини қарши олди. Ундан бироз камроқ овоз тўплаган камерунлик Самуэль Это'О (Италиянинг "Интер" клуби аъзоси) 2-поғонада кўрсатилган бўлса, кучли учликни Дрогбанинг клубдоши ганалик Микаэль Эссьен якунлади. Мазкур танловда Африка қитъасидаги барча миллий терма жамоа бош мураббийлари қатнашди. Айтиш керакки, Дидье 2006 йили ҳам бундай бахтга сазовор бўлганди. Қолаверса, у ўз миллий терма жамоаси жорий йилнинг ёз ойида ЖАРда ўтадиган мундиалга олиб борувчи йўлланма билан таъминланишида катта ҳисса қўшди.

Муҳтарам Лолахон ТЎРАҚУЛОВА!

Қутлуғ 50 ёшингиз муборак бўлсин. Биз Сизни ўқитувчилар сулоласининг давомчиси, бошланғич таълимнинг моҳир устози сифатида доимо эътироф этиб келамиз. Қарийб 30 йилдирки, жамоамизда сидқидилдан ишлаб, шогирдларингиз камолидан қувониб юрибсиз. Ҳар бир ишга оқиллик билан ёндаша олишингиз, ўқувчиларга меҳрингиз, аҳил оилангиз билан барчага ибратсиз. Умрингиз янада мазмунли ўтишини, эл ардоғида соғ-саломат юришингизни истаймиз.

Юнусобод туманидаги 274-мактаб жамоаси

Ayni paytda Koson shahri va tumandagi 4ta qishloqdan, 11ta umumiy o'rta ta'lim maktabi, 1ta kasb-hunar kolleji hamda Bolalar va o'smirlar sport maktabidan jami 650 nafarga yaqin o'g'il-qiz saboq olmoqda.

БАРАКА ОМИЛИ

Халқимиз бирор яхши иш, эзгу амал қилган кишини алқашда уни «Отангга раҳмат» дея дуо қилади. Кўпнинг дуоси — инсоннинг молию жонига барака келтиради.

Не бахтки, спорт ҳам барака омили экан. Келинг, буни биргина мисол билан изоҳлайлик.

2005 йили Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Гувалак қишлоғида болалар спорт мажмуаси бунёд этилдию, қишлоқ ҳаёти, аҳоли турмуши, ёшлар фаолиятига барака кирди: мажмуа маҳалла кўркига файз қўшди; фарзандлари бирор спорт тури билан машғуллиги боис ота-оналар кўнгли хотиржам бўлди; қишлоқ ёшлари олис Европадаги тенгдошлари билан мулоқот чоғида ўзини таништираркан, «Ўзбекистондан, Гувалакданман!» дея фахрланиб айтишга имкон туғилди; энг муҳими — ўғил-қизлар орасида соғлом турмуш даражаси ошди.

Мажмуада ёшлар кураш, самбо, дзю-до, шахмат, шашка, таэкван-до, футбол ва бадиий гимнастика билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Дилбандларига бундай шароитларни яратиб берганларни дуо қилишдан толиқмаган Гувалак аҳли 2009 йилда жонажон қишлоғида яна бир улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлди. Спорт мажмуасига қўшимча тарзда жаҳон андозаларига мос, барча қулайликларга эга икки қаватли бадиий гимнастика зали қурилиб, косонлик қизлар ихтиёрига топширилди. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 500 млн. сўм сарфлаган бўлса, косонлик ҳимматли кишилар 100 млн. сўм ҳомийлик кўмагини аямадилар.

— Спорт мажмуамиз ташкил этилганидан буён қизлар спортига алоҳида эътибор қаратиб келамиз, — дейди «Гувалак» болалар спорт мажмуаси директори Ўктам Султонов. — Қурилишга қадар 67 нафар қизлар бадиий гимнастика билан шуғулланаётган бўлиб, машғулотлар учун жой кичиклик қилиши муаммо бўлиб турган эди. Қолаверса, бадиий гимнастика билан шуғулланиш алоҳида шароитни тақозо қилади. Ўтган йили бунёд этилиб, фойдаланишга топширилган гимнастика залимизда айни пайтда 275 нафар қиз нафис спорт тури машғулотларида иштирок этмоқда. Айни пайтда Косон шаҳри ва тумандаги 4та қишлоқдан, 11та умумий ўрта таълим мактаби, 1та касб-ҳунар коллежи ҳамда Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан жами 650 нафарга яқин ўғил-қиз сабоқ олмоқда.

Юқорида спорт қишлоқ ҳаётига барака олиб кирди, деган эдик. Дарҳақиқат, бугун Гувалакда тарбияланган спортчи-ёшлардан 250 нафардан ортиғи ЧЕМПИОН, деган юксак номга эга. Улар орасида Жаҳон ва Осиё чемпионлари борлиги бугун нафақат Гувалак, балки юртимиз фахридир. Чемпион қизлар сони янада ошишига ишонч ва имконият бор: ушбу мажмуа тарбияланувчиларининг 20 нафарга яқини дзю-до, самбо, миллий кураш бўйича мамлакат терма жамоаси аъзолари ҳисобланишади.

Гувалаклик спортчиларнинг 60 нафарга яқини юртимиздаги турли олий таълим муассасаларида давлат гранти асосида ўқиётгани, 8 нафар қиз Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олаётгани (уларнинг 5 нафари 2006-2007 ўқув йилида ташкил этилган хотин-қизлар спорти бўлими талабаси саналади), 3 нафар қиз Қарши давлат университетида жисмоний тарбия йўналиши бўйича соҳа сирларини ўрганаётгани — истиқболда янада ёрқин, баракали йиллар турганини англатади.

Доимо олға, спортчи-ёшлар! Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Халқимиз сизнинг сиймонгизда Ўзбекистон спортининг бўлажак юлдузларини, энг муҳими, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида яшайдиган, ўз Ватанининг азиз ва ардоқли фарзандлари бўлган навқирон ва баркамол авлодни кўради».

Шерали НИШОНОВ

B.AKROMOV olgan suratlar.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi: Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-222.
Tiraji 46913.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Nargiza IBROHIMOVA.

Navbatchi: Sanjar RUSTAMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Ⓜ *belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00
ЎзА якуни — 21.00